Лапароскопик йўғон ичак резекцияси бир қатор афзалликларга эга, жумладан: беморларнинг эрта реабилитацияси, чандикли жараёни ривожланиши ва намоён бўлиш хавфини камайтириш, опиоид анальгетиклардан камроқ фойдаланиш, госпитализация муддатларини қисқартириш, жарроҳликдан кейинги чурра ривожланиш хавфини камайтириш.

Радикал операция принциплари:

- Дистал ва проксимал ичак кесилиш чегаралари ўсмадан етарлича узок масофада бўлиши керак, шунингдек, микроскопик текширув натижасида уларда ўсма хужайралари аниқланмаслиги керак.
- Ўсма билан бирга барча минтақавий лимфа тугунлари олиб ташланиши лозим.
- Жарроҳлик аралашувининг ҳажми ва хусусияти бир қатор омилларга боғлиқ бўлиб, энг муҳимлари – ўсманинг локализацияси, жараённинг тарқалиш даражаси ва асосий касалликнинг асоратлари мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳисобланади.
- Агар ўсма йўғон ичакнинг ўнг ярмида (чувалчангисимон ўсимта, кўр ичак, кўтарилувчи чамбар ичак, жигар бурчаги, кўндаланг чамбар ичакнинг ўнг қисми) жойлашган бўлса, ўнг томонлама гемиколэктомия ўтказилиши лозим.
- Агар ўсма кўндаланг чамбар ичакнинг чап қисми, талоқ бурчаги, тушувчи чамбар ичак, сигмасимон ичакнинг проксимал қисмида жойлашган бўлса, чап томонлама гемиколэктомия ўтказилади.
- Агар ўсма кичик ўлчамга эга бўлиб, кўндаланг чамбар ичакнинг ўрта қисмида жойлашган бўлса, унинг резекциясини бажариш мумкин. Агар ўсма сигмасимон ичакнинг ўрта ва пастки қисмларида жойлашган бўлса, унинг резекцияси амалга оширилади.
- Агар ўсма жараёни асоратлар билан кечаётган бўлса (ичак тутилиши, ўсма перфорацияси ва бошқалар), йўғон ичакнинг обструктив резекцияси ўтказилиши ва кейинчалик унинг узлуксизлигини тиклаш мумкин.

- Агар ўсма йўғон ичакдан қўшни аъзо ва тўқималарга тарқалган бўлса, комбинирланган операциялар ўтказилади. Агар якка ёки якка тартибдаги метастазлар (жигар, ўпка, тухумдон ва бошқа аъзоларда) мавжуд бўлса, уларни бир вақтда ёки кечиктирилган ҳолда олиб ташлаш тавсия этилади.
- Агар ўсма резекцияга яроқли бўлмаса ва узоқ аъзоларда кўп сонли метастазлар мавжуд бўлса, паллиатив операциялар (айланма анастомозлар шакллантириш, колостома қўйиш) амалга оширилиши мумкин.

Гистологик текширув жарроҳлик йўли билан олиб ташланган ўсма материалида ўтказилиши тавсия этилади. Морфологик хулосада қуйидаги параметрлар акс эттирилиши лозим:

1. Проксимал ва дистал резекция чегараларигача бўлган масофа.
2. Ўсманинг ўлчамлари.
3. Ўсманинг гистологик тузилиши.
4. Ўсманинг дифференциация даражаси.
5. pT.
6. pN (ўрганилган ва зарарланган лимфа тугунлари умумий сони кўрсатилган ҳолда).
7. Проксимал резекция чегараси зарарланганлиги (манфий натижа ҳам қайд этилиши керак).
8. Дистал резекция чегараси зарарланганлиги (манфий натижа ҳам қайд этилиши керак).
9. Лимфоваскуляр ва периневрал инвазия мавжудлиги (манфий натижа ҳам қайд этилиши керак).
10. Ўсманинг Mandard/Dworak шкаласи бўйича регрессия даражаси (агар аввал комбинирланган даволаш ўтказилган бўлса).
11. Апикал лимфа тугуни зарарланганлиги (манфий натижа ҳам қайд этилиши керак).

Нур терапия:

Нур терапиянинг мақсадли вазифаси:

- радикал нур терапия;
- паллиатив нур терапия;
- симптоматик нур терапия.

Мустақил, операциядан олдин ва кейинги режимда.

Нур терапия турлари:

- фотон терапия (юқори энергияларни тормозли нурланиши, гамма терапия);
- корпускуляр терапия (юқори энергияларнинг тез электронлари, протон, ион, нейтрон).

Нур терапия методлари (вақт давомида дозаларни фракционирлаш режимлари):

- Классик (стандарт) фракционирлаш режими: БМЎД 1,8-2,4 Гр ҳафтасига 5 фракциягача, бўлинган ёки узлуксиз курс, СЎД 20,0-70,0 Гр гача.
- • Гипофракционлаштирилган режим – БМЎД >2,5 Гр, ҳафтасига 5 фракциягача, расщепланган ёки узлуксиз курс, СЎД > 15,0 Гр гача.
- • Гиперфракционлаштириш (мультифракционлаштириш) режими – БМЎД 1,0–1,25 Гр кунига 2 марта (4–6 ва 18–20 соат оралиғида), расщепланган ёки узлуксиз курс, СЎД 20–70 Гр гача.
- • Стереотаксик радиоожроҳлик (SRS) – бир мартада юқори дозада (БМЎД 12 Гр ёки ундан юқори) стереотаксик техника ёрдамида радиоожроҳлик ўтказилади. 3 см гача бўлган ва аниқ чегарага эга ўсмаларда қўлланилади.
- • Стереотаксик нур терапияси (SRT) – 2-5 фракцияда катта дозали нурлантириш (БМЎД >7,0 Гр) кунлик равишда, СЎД \geq 14 Гр гача.
- Томоаппаратларда томотерапия. Спирал томотерапия.
- Протонли нур терапия.

Нур терапия усуллари

Дистанцион НТ:

- 2-х ўлчамли конвенциал (стандарт) нур терапия (2D RT);
- 3-х ўлчамли конформ нур терапия (3D CRT);
- интенсив-модулирланган нур терапия (IMRT);
- суратлар бўйича бошқариладиган нур терапия (IGRT);
- нафас билан синхронлаштирилган нур терапия (4D RT);
- томоаппаратларда томотерапия;
- стереотаксик радиохирургия (SRS);

- стереотаксик радиотерапия (SRT);
- интраоперацион нур терапия (IORT);
- брахитерапия.

Бош миёга метастазларда нур терапия.

2. С1 бўйин умумртқасига бош миёни тотал нурлантириш:

- БМЎД 2,0 Гр ҳафтасига 5 фракция СЎД 30-40 Гр;
- БМЎД 2,5 Гр ҳафтасига 5 фракция СЎД 30-35 Гр;
- БМЎД 3,0 Гр ҳафтасига 5 фракция СЎД 30-33 Гр;
- БМЎД 4,0 Гр ҳафтасига 5 фракция СЎД 20 Гр.

3. Бош миёни локал нурлаш

- стереотаксик радиохирургия (SRS) - БМЎД 10,0 – 30,0 Гр 1 фракция – агар метастаз ўлчами 3 смдан катта бўлмаса.;
- стереотаксик радиотерапия (SRT) – БМЎД 6,0-10,0 Гр 3-5 фракция – агар метастаз ўлчами 3,0 дан 6,0 смгача бўлса;
- метастазларни локал нурлантириш БМЎД 2,0-3,0 СЎД 20-60 Гргача.

Скелет суякларига метастазларда нур терапия.

- БМЎД 2,0 Гр ҳафтасига 5 фракция СЎД 40-50 Гр;
- БМЎД 2,5 Гр ҳафтасига 5 фракция СЎД 40-50 Гр;
- БМЎД 3,0 Гр ҳафтасига 5 фракция СЎД 39-45 Гр;
- БМЎД 4,0 Гр ҳафтасига 3-5 фракция СЎД 20-40 Гр;
- БМЎД 8,0 Гр 1-2 фракция.

Операциядан олдинги нур терапиянинг стандарт методикаси.

Нур терапияси конвенционал (стандарт) ёки конформ режимда ўтказилади. Статик кўп майдонли ёки ҳаракатланувчи ротацион режимда нурлантириш мумкин.

Жарроҳликдан олдинги нур терапияси икки дастур (вариант) бўйича ўтказилади.

3. Классик фракциялаштириш – Бир марталик асосий ўртача доза (БМЎД) 2–2,5 Гр, ҳар куни; умумий доза (ўчоқ ва регионар метастазлар зонасига) – 40 Гр.

- Афзал ҳажмий нурлантириш режалаштирилиши.
 - Нурлантириш ҳудудига бирламчи ўчоқ ва параректал ҳужайра тўқимаси ҳамда регионар лимфа тугунлари киради.
 - Жарроҳлик нур терапияси туганидан 4 ҳафта ўтгандан кейин ўтказилади.
4. Йирик фракциялаштириш – БМЎД 5 Гр, ҳар куни, умумий дозаси 25 Гр, бу 40 Гр классик фракциялаштириш эквиваленти.
- Жарроҳлик 24–48 соат ичида, нур реакцияси ривожланишидан олдин ўтказилади.
 - Нурлантириш гамма-терапия аппаратлари ёки чизиқли тезлатгичлар ёрдамида амалга оширилади.

Стандарт усул бўйича жарроҳликдан кейинги нур терапияси

Мақсад: Жарроҳликдан кейин нур терапияси рецидивлар хавфини камайтириш учун ўтказилади, агар қуйидаги нохуш прогноз омиллари мавжуд бўлса:

- Ўсманинг параректал ҳужайра тўқимасига ўтиши
- Минтақавий лимфа тугунларининг зарарланиши

Ташкил этилиши:

- Нур терапияси конвенционал (стандарт) ёки конформ режимда ўтказилади.
- Статик кўп майдонли ёки ҳаракатланувчи нурлантириш режими қўлланилади.
- Жарроҳликдан 3–4 ҳафта ўтгандан кейин майда фракциялаштириш режимида бошланади.
- Бир марталик асосий ўртача доза (БМЎД) – 2–2,5 Гр, ҳафтасига 5 марта.
- Умумий доза (СЎД) – 40–60 Гр (иккита қарши майдонда, ҳаракатланувчи ёки статик режимда).
- Агар жарроҳлик асоратлари ривожланса, улар бартараф этилгандан 10 кун ўтиб нур терапияси бошланади.

Асбоблар: Нурлантириш гамма-терапия аппаратлари ёки чизиқли тезлатгичлар орқали ўтказилади.

Стандарт усул бўйича мустақил нур терапияси (паллиатив режим)

1. Умумий тавсиф:

Бирламчи ўсма ва минтақавий метастазлар ҳудуди конвенционал (стандарт) ёки конформ режимда нурлантирилади.

- Статик кўп майдонли режимда нурлантириш
- Бир марталик асосий ўртача доза (БМЎД): 1,8–2,0–2,5 Гр, ҳафтасига 5 фракция
- Умумий доза (СЎД): 60–70 Гр
- Узлуксиз ёки расщепланган курс

2. Бирламчи ўчоқ нурлантириш усуллари:

- Агар бирламчи ўсма нисбатан кичик бўлса, у фақат масофадан нурлантирилади.
- Паст жойлашган ўсмаларда ва эндостатлар жорий этиш имкони мавжуд бўлса, мувофиқлаштирилган нур терапияси ўтказилади:
 - Дистанцион нур терапияси (СЎД 40–50 Гр, изоэквивалент 70–74 Гр)
 - Сўнгра контактли нур терапияси ўтказилади

3. Аппаратура:

- Гамма-терапия аппаратлари ёки чизикли тезлатгичлар
- Брахитерапия ускуналари (ичак ичи нур терапияси учун)

4. Қўшимча ҳимоя:

Нур терапияси давомида нур таъсиридан ҳимоя қилувчи дори воситаларини қўллаш мумкин.

Юқори технологик (IMRT, RAPID ARC) нур терапия:

Сифат назорати нур терапия вақтида ўтказилади:

4. EPID – MV - megavoltage image;
5. kV – kilovoltage image;
6. СВСТ – cone beam computed tomography. Кичик чаноқ учун: БМЎД = 1.8 – 2.0Гр;

СЎД = 45 – 50 Гр.

- Бирламчи ўсмага предоперацион «boost» - (операбел ўсмаларга) СЎД = 5.4 Гр 3 фракция;
- Ўсма ўрнига операциядан кейинги «boost»: СЎД = 5.4 – 9.0 Гр 3 – 5 фракция;
- Нооперабел ўсмаларда БМЎД -1,8 Гр-2,0 Гр, 5 ФР, СЎД \geq 54 Гр;
- Ингичка ичакнинг кўтара олувчи (толерант) дозаси \leq 45 Gy;

- Резекция қирралари мусбат ёки жуда яқин бўлганда – «boost»10 – 20 Гр операциядан бевосита кейин.

T3/T4 (ва/ёки N+) ўсмаларида стандарт даволаш усули сифатида жарроҳликдан олдинги классик нур терапияси 5-FU билан комбинацияда қўлланилади.

Нур терапияга қарши кўрсатмалар:

8. Беморнинг оғир умумий ҳолати, кучли интоксикация белгилари.
9. Иситмали ҳолатлар.
10. Кахексия.
11. Ўсмани кенг тарқалиши, парчаланиши ва қон кетиш билан кечиши, саратон плеврити, ўсманинг йирик қон томирлар ёки қўшни аъзоларга ўтиши, кўп сонли метастазлар мавжудлиги.
12. Беморда нур касаллиги мавжудлиги.
13. Оғир ҳамроҳ касалликлар, жумладан:
 - Фаол шаклдаги ўпка сил касаллиги
 - Юрак-қон томир етишмовчилиги (III даража)
 - Миокард инфаркти
 - Ўткир ва сурункали коронар етишмовчилик
 - Декомпенсацияланган қандли диабет
 - Буйрак касалликлари
 - Нафас етишмовчилиги
14. Кучли анемия, лейкопения ва тромбоцитопения.

4) муолажа ва аралашув ўтказётган мутахассисга талаблар:

Аҳолига онкологик ёрдам кўрсатадиган тиббий муассасаларнинг абдоминал онкология, кимётерапия ва радиологик бўлимларида ишлайдиган ходимлар зарур ҳужжатлар билан тасдиқланган тегишли билим ва малакага эга бўлиши ва А гуруҳи ходимларига тегишли бўлиши ва операцион блокда ишлаш, радиоактив ва ионлаштирувчи манбалар билан ишлаш имкониятига эга бўлиши, радиация, шунингдек, Онкоколопроктология ва/ёки кимётерапия ва/ёки радиация хавфсизлиги курсларини ўташ муддати ўтмаган сертификатлари бор бўлиши керак.

- «Онкология», «Онкоколопроктология», «Кимё терапия», «нур терапия» (радиацион онкология) мутахассисликлари бўйича сертификати бўлган, ихтисослиги бўйича камида 5 йиллик стажи бўлган, сўнгги 5 йил ичида камида 216

соат давомида абдоминал онкология ва/ёки кимё - ва/ёки нур терапиясининг юқори технологияли усуллари бўйича малака оширирган мутахассис;

- Нур терапияси учун физика бўйича олий маълумотли ва/ёки олий техник маълумотга эга, мутахассислик бўйича камида 3 йиллик иш тажрибасига эга, чизиқли тезлатгичлар билан ишлаш бўйича камида 2 йиллик тажрибага эга бўлган мутахассис.

5) Асосий ва қўшимча диагностика тадбирлари рўйхати:

Амалиёт ёки аралашувга тайёргарлик кўришда мажбурий диагностика чоралари рўйхати:

1. ҚУТ лейкоформула ва тромбоцитлар миқдорини ҳисоблаш билан;
2. Қон биокимёвий таҳлёки (натрий, калий, кальций, глюкоза, мочевина, креатинин, пешоб кислотаси, умумий оқсил, альбумин, умумий билирубин, бевосита билирубин, ЛДГ, АСТ, АЛТ, СРБ, ишқорий фосфотаза);
3. АВО тизими бўйича қон тугуҳини аниқлаш;
4. Резус-факторни аниқлаш;
5. Пешоб умумий таҳлили;
6. Коагулограмма (АЧТВ, ПВ, МНО, ПТИ, фибриноген);
7. ИФА ёки ИХЛ усулида вирусли гепатит В ва С маркерларини аниқлаш
8. В ва С вирусли гепатитлари учун ПЗР (сифатли)
9. ИФА усулида ОИВ-инфекцияни аниқлаш (HIVAg/anti-HIV);
10. Заҳмга серологик реакциялар мажмуаси;
11. Яширин қонга нажас таҳлили;
12. Онкомаркерларга қон таҳлили: АФП, РЭА, СА 242, СА19-9;
13. Тотал колоноскопия (фиброколоноскопия);
14. Ирригоскопия
15. Кўкрак қафаси рентген текшируви (скопия, графия);
16. Қорин бўшлиғини ва қорин парда ортини контрастли МСКТси;
17. Кичик чанок аъзолари МРТси;
18. Комплекс ультратовуш диагностикаси (жигар, ўт пуфаги, меъда ости бези, талоқ, буйраклар, қорин парда орти ва периферик лимфа тугунлари);
19. Биоптатни цитологик текшириш (ҳосилани, лимфа тугунини) *;
20. Биоптатни гистологик текшириш (ҳосилани, лимфа тугунини) *

21.ЭКГ;

22.ЭхоКГ;

- Муолажа ва аралашувга тайёрлашда қўшимча текшириш усуллари:

1. ПЗР усулида Эбштейн-Барр вируси, 1-2 тип герпес, цитомэгаловирус, токсоплазмоз;
2. В ва С гепатит вирусларига ПЗР (микдорий);
3. COVID-19 ги ПЗР;
4. Қонни кислота ишқорий ҳолати (КИХ) ва газларга аниқлаш;
5. Бевосита ва билвосита Кумбс реакцияси;
6. Стандарт цитогенети текшириш;
7. Ферритин, фолатлар, зардоб темири, Витамин В12ни аниқлаш;
8. ProBNP
9. Прокальцитонин
10. Антитромбин III, Д-димер
11. Фертил ёшидаги аёлларда – ҳомиладорликка тест, ХГЧни аниқлаш;
12. Периферик қон ИФТси;
13. Стандарт –цитогенетик текшириш;
14. Биоптатни иммуногистохимёвий текшириш (ҳосилани, лимфа тугунини)*
15. Агар аденокарцинома билан боғлиқ узоқ метастазлар ташхисланган ёки шубҳа қилинган бўлса, ўсма биоптатида RAS мутацияси (KRAS ва NRAS генларининг 2–4 экзонлари) таҳлил қилиниши керак..
16. Ўсма (биопсия ва жарроҳликдан кейинги материаллар, шиша блоклар, суюқликлар, эркин айланаётган ўсма ДНК) молекуляр-генетик тадқиқотлари «инструментал текширувлар» бўлимида кўрсатилган ҳолатларда шубҳа туғилганда ўтказилиши керак.;
17. Фиброэзофагогастродуоденоскопия;
18. УТ-колоноскопия;
19. Меъда, 12 бармоқ ичак ва меъда ости безини рентгеноскопик текшируви, контрастлаш билан (икки қарра контрастлаш);
20. Кўкрак қафаси аъзолари МСКТси;
21. Бош, бўйин ва қорин бўшлиғини контрастли КТси;
22. Бош мия МРТси;

- 23. Спирография;
- 24. Бурун ёндош бўлиқлари рентгенографияси;
- 25. Скелет суякларини сканирлаш;
- 26. Томирлар (вена ва/ёки артериялар) УТДГси;
- 27. Холтер – мониторинг билан ЭКГ
- 28. Бутун тана ПЭТ/КТси**;

* Агар аввал ўтказилмаган бўлса.

** Касалликнинг бошланишида ва қайта босқичлаш пайтида бажариш керак.

б) Муолажа ёки аралашувни ўтказишга қўйиладиган талаблар:

Онкологик муассасанинг жарроҳлик (Онкоколопроктология) бўлими фаолиятини ташкил этиш қоидалари

Ушбу қоидалар онкологик шифохонанинг (онкологик марказ ва унинг филиаллари), онкологик касалликларга чалинган беморларга тиббий ёрдам кўрсатадиган бошқа тиббий ташкилотнинг (кейинчалик - тиббиёт ташкилотлари) жарроҳлик даволаш усуллари онкологик бўлимлари (кейинчалик - бўлим) фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

Бўлим онкологик касалликларга чалинган беморларга жарроҳлик усуллари мустақил даволаш тури сифатида тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида тиббий ташкилотнинг таркибий бўлинмаси сифатида ташкил этилган бўлиб, "онкология", "Онкоколопроктология", "кимётерапия", "радиология" ишлар (хизматлар) учун тиббий фаолиятни амалга ошириш учун лицензия асосида фаолият юритади.

Бўлимнинг ётоқ ўринлар ҳажми 25 дан 50 гача бўлиши керак.

Бўлимлар камида 70 онкологик ётоқ ўринли тиббий ташкилотда ташкил этилади, агар улар мулкый мажмуа ичида жойлашган бўлса, функционал ва технологик жиҳатдан қуйидаги бўлим билан бирлаштирилган бўлса:

- Рентген диагностикаси бўлими, шу жумладан рентген текшируви қоидаларига мувофиқ ташкил этилган рентген хонаси, рентген маммография хонаси, рентген компьютер томографияси хонаси <1>;
- Функционал тадқиқотлар қоидаларига мувофиқ ташкил этилган функционал диагностика бўлими <1>;
- Ультратовуш қоидаларига мувофиқ ташкил этилган ультратовуш диагностикаси хонаси (бўлими), <1>;

- эндоскопик текширувларни ўтказиш қоидаларига мувофиқ ташкил этилган эндоскопик бўлим <1>;
- клиник-диагностик лабораториялар;
- "анестезиология ва реаниматология" профилида катталар аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатиш тартибига мувофиқ ташкил этилган катталар аҳолиси учун реаниматология ва интенсив терапия бўлимлари ёки анестезиология-реанимация бўлимлари реаниматология ва интенсив терапия палаталари билан <2>;
- Буйруқ билан тасдиқланган онкологик касалликларга чалинган катталарга тиббий ёрдам кўрсатиш тартибига мувофиқ ташкил этилган операцион бўлинма;
- Буйруқ билан тасдиқланган онкологик касалликларга чалинган катталарга тиббий ёрдам кўрсатиш тартибига мувофиқ ташкил этилган ўсмага қарши дори терапияси бўлими;
- "Трансфузиология" профилида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш тартибига мувофиқ ташкил этилган трансфузиология кабинети <3>;

Бўлим беморларни доимий равишда кузатиб бориш учун онколог ва бўлим ҳамширасидан иборат навбатчи гуруҳ томонидан кечаю кундуз назорат билан таъминланиши керак.

Бўлим структурасида қуйидагилар бўлиши назарда тутилиши керак:

- Кўрув хонаси;
- Бўлим мудир хонаси;
- Шифокорлар хонаси;
- палаталар;
- боғлам алмаштириш хонаси;
- муолажа хонаси;
- хукнахона;
- ҳамширалар хонаси.

Жарроҳлик блони ташкил этиш қоидалари

Жарроҳлик блокада структурасида қуйидагилар бўлиши назарда тутилиши керак:

- санузел билан санитар ўтказгич (хожатхона ва душлар);

- жарроҳлик олди хонаси;
- жарроҳлик хонаси;
- ювиниш хонаси;
- донорлик қонини ва (ёки) унинг таркибий қисмларини қон қуйиш учун сақлаш ва тайёрлаш учун хона;
- тиббий асбобларни сақлаш учун хоналар;
- кийим алмаштириш учун хона;
- беморнинг операциядан кейинги вақтинчалик бўлиш хонаси;
- стерилизация;
- протокол хонаси (агар 4 дан ортиқ жарроҳлик хонаси бўлса);
- Катта ҳамшира хонаси;
- операциядан кейинги чиқиндиларни сақлаш хонаси;
- гипсли бандажларни сақлаш ва тайёрлаш учун хона (суяклар ва юмшоқ тўқималарнинг ўсмалари бўлими учун);

Нур терапия ўтказиш учун:

- чизиқли тезлаткич ёки гамма терапевтик ускуна;
- барабан фантом (қурилманинг ишлашини текшириш ва калибрлаш учун);
- СВСТ тасвирлаш тизимининг Хаунсфилд бирликларини калибрлаш учун фантом;
- термопластик ниқоблар учун терморегуляцияланган ванна/печ;
- вакуум матраслар учун насос;
- ўрнатилган, тўлиқ интеграциялашган дозиметрик режалаштириш тизими;
- дозиметрик ускуналарнинг стандарт тўплами;
- Виртуал симуляция функцияси ва столда махсус мослаштирилган текис дека билан камида 80 см апертура билан КТ;
- Виртуал симуляция функцияси ва столда махсус мослаштирилган текис дека билан камида 80 см апертура билан МРТ.
- подголовник;
- вакуумли матрац;
- каплар, загубниклар;
- индексли рамка;

- тизза остика қўйиш мосламалари;
- термопластик пластинлар (маскалар)

7) Беморни тайёрлашга қўйиладиган талаблар:

Бемор томонидан тайёрланган томографик тасвирлар ва кўрсатмалар асосида, шунингдек беморни текшириш натижасида касалликнинг ўчоғи ва тананинг умумий ҳолати аниқланади, кимётерапия ва / ёки нур терапиясининг мақсадга мувофиқлиги ҳисобланади.

Биринчи ташриф куни кимётерапевт ва / ёки нур терапия онкологи томонидан тиббий кўриқдан ўтилади ва керакли текширувларни тайинлайди.

Шифокор беморга унинг касаллигининг хусусиятларини ва даволаш усулини тушунарли тарзда тушунтиради, бемордан симптомлар ҳақида батафсил сўраб суриштиради ва барча мавжуд маълумотларга асосланиб қарор қабул қилади.

Касалликнинг ҳолатига қараб, кимёвий терапия ва/ёки нур терапияси ноўрин деб ҳисобланиши мумкин.

Кимёвий ва/ёкинур терапияси курсини тайинлаш кимётерапевт ва / ёки радиолог томонидан ва беморнинг ёзма розилиги билан ҳал қилинади.

Даволаш режими клиник кўрсатмалар ва тадқиқот протоколларига мувофиқ белгиланади. Терапевтик дозалар ўсманинг гистологик турига, локализациясига, босқичига ва тарқалишига қараб танланади.

Кимётерапия ва / ёки нур терапиясини ўтказиш тўғрисида қарор беморни кенг қамровли текширувдан, аниқ ташхисдан сўнг қабул қилинади. Жараён олдида бемор премедикация қилинади — организмга қилиниши кутилаётган даволанишни яхши кўтариши учун бир қатор дорилар қўлланилади:

- гепатопротекторлар;
- қайт қилишга қарши дорилар;
- иммуномодуляторлар;
- пробиотиклар ва бошқалар.

Кимётерапия ва / ёки нур терапиясининг ҳар бир курсидан олдин бемор бир қатор қон ва сийдик синовларидан ўтади, агар керак бўлса, муайян ҳолатга қараб баъзи органларнинг ултратовуш текшируви, ЭКГ ва бошқа бир қатор текширувлардан ўтади.

8) Муолажа ёки аралашувнинг самарадорлиги кўрсаткичлари.

Асоратлар мавжуд бўлмаган ҳолда ва жарроҳликдан кейинги ярагинг битиши шарти билан қониқарли ҳолат.

- Клиник ва/ёки визуализация усуллари орқали олинган маълумотларга кўра жараённинг прогрессия белгиларининг йўқлиги, шунингдек, бемор ҳаёт сифатининг яхшиланиши.

- "Ўсманинг жавоби" – ўтказилган даволашдан сўнг ўсманинг регрессияси.

Тўлиқ эффект – барча зарарланган ўчоқларнинг йўқолиши ва камида 4 ҳафта давомида қайта пайдо бўлмаслиги.

Қисман эффект – барча ёки айрим ўсмаларнинг 50% ёки ундан кўпроқ кичрайиши, бошқа ўчоқларда прогрессия кузатилмаслиги.

Стабилизация (ўзгаришсиз ҳолат) – ўсмаларнинг 50% дан кам кичрайиши ёки 25% дан кам ўсиши, янги зарарланган ўчоқлар пайдо бўлмаслиги.

Прогрессия – бир ёки бир нечта ўсмаларнинг 25% дан кўпроқ катталаниши ёки янги зарарланган ўчоқларнинг пайдо бўлиши.

- Рецидивсиз яшовчанлик (уч ва беш йиллик).

- Ҳаёт сифатини баҳолаш – руҳий, эмоционал ва ижтимоий фаолият билан бирга бемор жисмоний ҳолатини ҳам ўз ичига олади.

**«ЙЎҒОН ИЧАК ВА РЕКТОСИГМОИД
СОҲА САРАТОНИ» НОЗОЛОГИЯСИ
БЎЙИЧА ПРОФИЛАКТИКА ВА
РЕАБИЛИТАЦИЯ МИЛЛИЙ КЛИНИК
ПРОТОКОЛЛАРИ**

ТОШКЕНТ – 2025

- ХККТ код (лар) и:

КХТ-10:	
Код	Номланиши
C18	– Йўғон ичак хавфли ўсмалари
C18.0	– Кўр ичак
C18.1	– Чувалчангсимон ўсимта [аппендикс]
C18.2	– Кўтарилувчи чамбар ичак
C18.3	– Жигар эгрилиги
C18.4	– Кўндаланг чамбар ичак
C18.5	– Талоқ эгрилиги
C18.6	– Тушувчи чамбар ичак
C18.7	– Сигмасимон ичак
C18.8	– Юқорида кўрсатилган битта ёки бир нечта локализациядан ташқарига чиқувчи йўғон ичакнинг зарарланиши
C18.9	– Йўғон ичак ноаниқ локализацияли
C19	– Ректосигмоид бирикма хавфли ўсмалари
Юклаш (КХТ-10 ҳаволаси): https://mkb-10.com/index.php?pid=1110	
КХТ-11:	
Код	Номланиши
2B90-2B9Y	Йўғон ичак хавфли ўсмалари
2B90	Йўғон ичакдаги хавфли ўсманинг метастази
2B90.0	Юқорига кўтарилувчи чамбар ичак ва ўнг чамбар ичак бурчагининг хавфли ўсмаси
2B90.00	Юқорига кўтарилувчи чамбар ичак ёки ўнг чамбар ичак бурчаги аденокарциномаси
2B90.0Y	Юқорига кўтарилувчи чамбар ичак ва ўнг чамбар ичак бурчагининг бошқа аниқланган хавфли ўсмаси
2B90.0Z	Юқорига кўтарилувчи чамбар ичак ва ўнг чамбар ичак бурчагининг аниқланмаган хавфли ўсмаси
2B90.1	Пастга тушувчи чамбар ичак ва талоқ бурчагининг хавфли ўсмаси
2B90.10	Пастга тушувчи чамбар ичак ёки талоқ бурчаги аденокарциномаси

2B90.1Y	Пастга тушувчи чамбар ичак ва талоқ бурчагининг бошқа аниқланган хавфли ўсмаси
2B90.1Z	Пастга тушувчи чамбар ичак ва талоқ бурчагининг аниқланмаган хавфли ўсмаси
2B90.2	Кенг ётган чамбар ичак хавфли ўсмаси
2B90.20	Кенг ётган чамбар ичак аденокарциномаси
2B90.2Y	Кенг ётган чамбар ичакнинг бошқа аниқланган хавфли ўсмаси
2B90.2Z	Кенг ётган чамбар ичакнинг аниқланмаган хавфли ўсмаси
2B90.3	Сигмасимон ичак хавфли ўсмаси
2B90.30	Сигмасимон ичак аденокарциномаси
2B90.3Y	Сигмасимон ичакнинг бошқа аниқланган хавфли ўсмаси
2B90.3Z	Сигмасимон ичакнинг аниқланмаган хавфли ўсмаси
2B90.Y	Йўғон ичакнинг бошқа аниқланган хавфли ўсмаси
2B90.Z	Йўғон ичакнинг аниқланмаган хавфли ўсмаси
2B91	Ректосигма босқичи хавфли ўсмаси
2B91.0	Ректосигма босқичи аденокарциномаси
2B91.Y	Ректосигма босқичининг бошқа аниқланган хавфли ўсмаси
2B91.Z	Ректосигма босқичининг аниқланмаган хавфли ўсмаси
2B93	Локализацияси аниқланмаган йўғон ичак хавфли ўсмалари
2B93.0	Локализацияси аниқланмаган йўғон ичак аденокарциномаси
2B93.Y	Локализацияси аниқланмаган йўғон ичакнинг бошқа аниқланган хавфли ўсмалари
2B93.Z	Локализацияси ва тури аниқланмаган йўғон ичак хавфли ўсмалари
Юклаш (КХТ-11 ҳаволаси): https://icd.who.int/browse/2025-01/mms/ru#2009008947	

1. Асосий қисм.

1) Кириш

Йўғон ичак ва ректо-сигмоид соҳа саратони – йўғон ичак шиллик қаватидан келиб чиқадиган хавфли ўсмалар
(<https://new.nmicr.ru/patientam/oncology/zheludochno-kishechnyj-trakt/rak-tolstoj-obodochnoj-kishki/>).

Халқаро саратонни ўрганиш агентлиги – GLOBOCAN маълумотларига кўра, 2022 йилда йўғон ичак ва ректо-сигмоид соҳа саратонининг жами 1 926 425 та ҳолати аниқланган ва 904 019 киши ушбу касалликдан вафот этган.

Беморларнинг 3–5 % ида йўғон ичак ва ректосигмоид соҳа саратонининг ривожланиши маълум ирсий синдромлар билан боғлиқ бўлиб, энг кўп учрайдиганлари – Линч синдроми, оилавий аденоматоз йўғон ичак ва MutYH-боғлиқ полипоз ҳисобланади. Қолган беморларда эса йўғон ичак ва ректо-сигмоид соҳа саратони спорадик хусусиятга эга. Ушбу патология ривожланишининг хавф омиллари сифатида йўғон ичакнинг сурункали яллигланиш касалликлари (масалан, носпецифик ярали колит, Крон касаллиги), чеккишлик, алкоголь истеъмоли, рационда қизил гўшт устунлиги, қандли диабет, семизлик ёки юқори тана массаси индекси, кам ҳаракатли турмуш тарзи каби омиллар кўриб чиқилади (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/23577027/>).

Йўғон ичак ва ректо-сигмоид бўлими саратони бошқа хавфли ўсмалар орасида касалланиш ва ўлим кўрсаткичлари бўйича етакчи ўринларни эгаллайди. 2017 йилда Россияда 42 087 та янги йўғон ичак ва ректосигмоид соҳа саратони ҳолати қайд этилган ва 23 022 нафар бемор ушбу касалликдан вафот этган. (<https://www.demoscope.ru/weekly/2014/0607/biblio04.php>).

2023 йилда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази статистик маълумотларига кўра, 100 минг аҳолига нисбатан колоректал саратон билан касалланиш 5,6 ҳолатни ташкил этиб, саратон касалликлари орасида иккинчи ўринни эгаллайди. Эркакларда 6,1 ҳолат билан учинчи ўринда, аёлларда 5,2 ҳолат билан тўртинчи ўринда қайд этилган.

2023 йилда илк бор йўғон ичак ва ректо-сигмоид бўлими саратони аниқланган беморлар сони 1123 нафарни ташкил этди. Улардан 5,9 фоизи профилактик кўриклар пайтида фаол равишда аниқланган. Йўғон ичак ва ректосигмоид соҳа саратони ташхиси морфологик жиҳатдан тасдиқланган беморлар улуши 92,8 фоизни ташкил этади.

Касаллик босқичлари бўйича тақсимланганда:

I босқич – 1,8 фоиз,

II босқич – 35,4 фоиз,

III босқич – 37,0 фоиз,

IV босқич – 20,1 фоиз,

Босиш аниқланмаган ҳолатлар – 5,8 фоиз.

2025 йил бошида йўғон ичак ва ректо-сигмоид бўлими саратони билан диспансер назоратида турган беморлар сони 4136 нафар бўлиб, касалликнинг тарқалиш кўрсаткичи 100 минг аҳолига нисбатан 11,2 ни ташкил этди (C18+C19).

Йўғон ичак ва ректосигмоид соҳа саратонининг 5 йиллик тирик қолиш кўрсаткичи республика бўйича 37,7 фоиз, 1 йил ичидаги ўлим ҳолатлари эса 21,8 фоизни ташкил этади.

2023 йилда Ўзбекистон Республикасида йўғон ичак ва ректосигмоид соҳа саратонидан 515 бемор вафот этган, бу эса 100 минг аҳолига нисбатан 2,8 ҳолатни ташкил этиб, ўлим кўрсаткичи бўйича тўртинчи ўринда туради. Кўкрак беги саратони 4,9, ошқозон саратони 3,8, ўпка саратони 3,3 ҳолатни ташкил этган.

2) Профилактика ёки реабилитация тушунчаси

Профилактик тиббиёт (манбани юклаб олиш учун ҳавола: https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%9F%D1%80%D0%BE%D1%84%D0%B8%D0%BB%D0%B0%D0%BA%D1%82%D0%B8%D1%87%D0%B5%D1%81%D0%BA%D0%B0%D1%8F_%D0%BC%D0%B5%D0%B4%D0%B8%D1%86%D0%B8%D0%BD%D0%B0) (профилактикология, греч. πρόφύλακτικός — «эҳтиёт қилувчи» [69] и λόγος — «таълимот, фан») — тиббиётдаги фан ва амалиёт, касалликлар ва шикастланишлар пайдо бўлишининг олдини олиш, уларнинг ривожланиши учун хавф омилларини олдини олиш ва йўқ қилишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи дир [70] [71].

Аслида профилактика қуйидагиларга бўлинади [72]:

- Индивидуал ва жамоат (ижтимоий);
- Бирламчи, иккиламчи ва учламчи.

Профилактика доирасида юқумли касалликлар ва психопрофилактиканинг специфик профилактикаси ҳам мавжуд [72].

Профилактика тиббиётнинг асосий йўналиши ҳисобланади [70] [73] ва соғлиқни сақлашнинг юқори ҳолатини таъминлаш ва касалликларнинг олдини олиш мақсадида давлат, ижтимоий-иқтисодий, гигиеник ва терапевтик-тиббий характердаги тадбирларни ўз ичига олади. Бу нафақат тиббий манипуляцияларни, балки Қонунчилик, ташкилий, экологик [74], меъморий ва режалаштириш, санитария-техник, аҳолининг тиббий масалалари бўйича таълим [61] тадбирларни ҳам назарда тутди. Бу омиллар ва хавфларнинг касалликлар билан боғлиқлигини илмий статистик сабабий таҳлилига асосланган [76] [77].

Профилактик чора-тадбирлар соғлиқни сақлаш тизимининг муҳим таркибий қисми бўлиб, аҳоли ўртасида тиббий-ижтимоий фаоллик ва соғлом турмуш тарзини рағбатлантиришга қаратилган.

Амалдаги профилактика чоралари бир кишининг танасида кейинги касалликларга олиб келиши мумкин бўлган ўзгаришларни аниқлаш ва касалликларнинг олдини олишга қаратилган мақсадли чораларни кўриш орқали тўлиқ соғлом инсон ҳаётини узайтиришга интилади. Касалликнинг олдини олишга

бундай индивидуал ёндашув профилактика тиббиёти томонидан кўриб чиқилади [78] [79].

Тиббий реабилитация (манбани юклаб олиш учун ҳавола: https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%9C%D0%B5%D0%B4%D0%B8%D1%86%D0%B8%D0%BD%D1%81%D0%BA%D0%B0%D1%8F_%D1%80%D0%B5%D0%B0%D0%B1%D0%B8%D0%BB%D0%B8%D1%82%D0%B0%D1%86%D0%B8%D1%8F) (лот. *rehabilitatio*, тиклаш [83]) — касаллик ёки шикастланиш натижасида бузилган ёки бутунлай йўқолган инсон танасининг нормал ақлий ва физиологик функцияларини (эҳтиёжларини) максимал даражада тиклаш ёки қоплашга қаратилган тиббий, педагогик, психологик ва бошқа турдаги чора-тадбирлар мажмуасидир. Эҳтиёжларга мисоллар: соғлом бўлиш, жисмоний фаоллик, ҳаракат еркинлиги, ҳаракатларнинг мустақиллиги, одамлар билан мулоқот қилиш, зарур маълумотларни олиш, меҳнат ва бошқа фаолият орқали ўзини ўзи англаш [84] [85] [86].

Даволашдан фарқли ўлароқ, реабилитация танадаги патологик жараённинг ўткир босқичи бўлмаганда амалга оширилади [87].

Тиббий реабилитация реабилитациянинг бошқа турлари — жисмоний, психологик, меҳнат, ижтимоий, иқтисодий турлари билан чамбарчас боғлиқ.

2.1. Профилактика ёки реабилитация турлари.

Саломатлик ҳолатига, касаллик ёки оғир патология учун хавф омилларининг мавжудлигига қараб, профилактиканинг 3 турини кўриб чиқиш мумкин.

1. **Бирламчи профилактика** — касалликларнинг ривожланиши учун хавф омилларининг пайдо бўлиши ва таъсирини олдини олиш бўйича чора-тадбирлар тизими (дезинсексия, эмлаш, оқилона иш ва дам олиш, оқилона сифатли овқатланиш, жисмоний фаоллик, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш)дир. Бир қатор бирламчи профилактика чоралари миллий миқёсда амалга оширилиши мумкин. Касалликларнинг олдини олиш ва фаровонликни яратиш умр кўриш давомийлигини узайтиради[82]. Саломатликни мустаҳкамлаш тадбирлари маълум бир касаллик ёки ҳолатга қаратилган эмас, балки саломатликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшади. Бошқа томондан, махсус ҳимоя касалликларнинг бир тури ёки гуруҳига қаратилган ва соғлиқни сақлашни ривожлантириш мақсадларини тўлдиради [82]. Бирламчи профилактиканинг асосий тамойиллари: 1) профилактика чораларининг узлуксизлиги (антенатал даврдан бошлаб ҳаёт давомида); 2) профилактика чораларининг табақалаштирилган табиати; 3) профилактиканинг оммавий табиати; 4) профилактиканинг илмий табиати; 5) профилактика чораларининг

комплекслиги (профилактикада тиббиёт муассасалари, ҳокимият органлари, жамоат ташкилотлари, аҳоли иштирок этади) [81].

2. **Иккиламчи профилактика** — муайян шароитларда (стресс, иммунитетнинг заифлашиши, тананинг бошқа ҳар қандай функционал тизимларига ортиқча юк) касалликнинг бошланиши, кучайиши ва қайталанишига олиб келиши мумкин бўлган аниқ хавф омилларини бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуасидир. Иккиламчи профилактиканинг энг самарали усули бу касалликларни эрта аниқлаш, динамик кузатув, мақсадли даволаш ва оқилона изчил тикланишнинг кенг қамровли усули сифатида тиббий кўрикдир [81].
3. Баъзи профилактика мутахассислари "**учламчи ипрофилактика**" атамасини тўлиқ ишлаш имкониятини йўқотган беморларни реабилитация қилиш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси сифатида таклиф қилишади. Учламчи профилактика ижтимоий (ўз ижтимоий тайёргарлигига ишончни мустаҳкамлаш), меҳнат (меҳнат кўникмаларини тиклаш имконияти), психологик (хулқ-атвор фаолиятини тиклаш) ва тиббий (органлар ва тана тизимларининг функцияларини тиклаш) реабилитациясига қаратилган бўлади [81].

Пререабилитация (prehabilitation) – ташхис қўйилган пайтдан бошлаб даволаш бошланишигача (жарроҳлик даволаш/кимётерапия/радиотерапия) реабилитация.

Реабилитациянинг I босқичи – асосий касалликнинг профилига мувофиқ тиббий ташкилотларнинг бўлимларида асосий касалликни ихтисослашган давоси (шу жумладан жарроҳлик даволаш / кимётерапия/ радиотерапия) даврида реабилитация қилишдир;

Реабилитациянинг II босқичи – тиббий ташкилотларнинг (реабилитация марказлари, реабилитация бўлимлари) стационар шароитида, касалликнинг эрта тикланиш даврида, кеч реабилитация даврида, касалликнинг қолдиқ белгилари даврида реабилитация.

Реабилитациянинг III босқичи – реабилитация, физиотерапия, физиотерапия, рефлексология, қўлда терапия, психотерапия, тиббий психология бўлимларида (кабинетларда), нутқ терапевтининг (ўқитувчи–дефектолог) хоналари. амбулатория шароитида, кундузги шифохоналарда, шунингдек уйга боровчи бригадалар (шу жумладан санаторий-курорт ташкилотлари шароитида) эрта ва кеч реабилитация давларида, касалликнинг қолдиқ ҳодисалари даврида реабилитация.

2.2 Оммавий профилактика чоралари ва индивидуал профилактика ўтказиш тамойиллари:

(<https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/colorectal-cancer>)

Колоректал саратоннинг олдини олиш учун ҳаёт тарзини ўзгартириш ва мунтазам скрининг ўтказиш тавсия этилади.

Ҳаёт тарзини ўзгартириш орқали колоректал саратонни олдини олиш чоралари:

- Мева ва сабзавотларни ўз ичига олган соғлом овқатланишга ўтиш.
- Тамаки чекишдан воз кечиш.
- Фаол ҳаёт тарзини олиб бориш.
- Спиртли ичимликлар истеъмолини камайтириш.
- Атроф-муҳитнинг зарарли омилларига таъсирни чеклаш.

Агар колоректал саратондан шубҳа уйғонса, зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш керак. Касалликни эрта аниқлашнинг энг яхши усули – скрининг ўтказиш. Даволаш муваффақиятли бўлиши учун саратонни эрта босқичда аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, скрининг нафақат колоректал саратон ҳолатларини камайтириш, балки унинг ўлим кўрсаткичини ҳам пасайтиришга ёрдам беради.

Ахлат таҳлиллари – инвазив бўлмаган скрининг усуллари:

- Ахлатда яширин қон таҳлили (АКСК) – колоректал саратон ёки полиплар мавжудлигини аниқлашга ёрдам беради. Ахлатдан оз миқдорда намуна олиниб, лабораторияда текширилади. Агар қон ёки бошқа патологик топилмалар аниқланса, қўшимча диагностика усуллари, масалан, колоноскопия тавсия этилади.
- Ахлат таҳлиллари – қулай ва хавфсиз скрининг усули бўлиб, улар саратонни эрта босқичда аниқлаш ёки предсаратон полипларини топишга ёрдам беради.

Генетик омиллар ва скрининг:

Оилавий колоректал саратон ёки маълум генетик касалликларга эга шахслар учун генетик консултация ва тест ўтказиш хавфни баҳолаш ва зарур скрининг чораларини белгилашда фойдали бўлиши мумкин.

Хавф омиллари:

Спиртли ичимликлар:

Этил спиртининг ўзи канцероген эмас, аммо унинг метаболити **ацетальдегид** канцероген хусусиятга эга.

- Кунлик 45 г спирт истеъмоли йўғон ичак саратон хавфини 45% га, тоғри ичак саратон хавфини 49% га оширади.
- Ожирлик билан бирга спиртли ичимликларнинг таъсири колоректал саратон ривожланиш хавфини янада оширади.

Қизил гўшт, ёғлар ва углеводлар:

- Қизил гўшт (говжуш, қўй гўшти, чўчка гўшти) истеъмоли йўғон ичакда полиплар ривожланиш хавфини оширади.
- Бу хавф гўштни юқори ҳароратда тайёрлаш жараёнида канцероген моддалар ҳосил бўлиши билан боғлиқ.

Озиқ-овқат толалари ва клетчатка:

- Клетчаткага бой парҳез колоректал саратон хавфини камайтиради.
- Озиқ-овқат толалари канцероген моддаларни адсорбция қилади, ичак кислоталигини пасайтиради ва ичакда ёғ кислоталари алмашинувини ўзгартиради.

Витаминлар ва минераллар:

- Витамин D ва кальций колоректал саратон хавфини камайтириши мумкин.
- Фолий кислотаси ва B6 витамини етишмовчилиги ДНК тикланиши ва антиоксидант ҳимоя тизимларини бузиши мумкин, бу эса саратон хавфини оширади.
- Бета-каротин, A, C ва E витаминлари антиканцероген таъсирга эга.

Тамаки чекиш:

- Ҳар куни 40 дона сигарета чекиш колоректал саратон хавфини 38% га оширади.
- Тамаки чекиш 40 йил давом этса, хавф яна 20% га ошиб боради.
- Тамаки чекишдан воз кечиш саратон ривожланиш хавфини изначал даражага қайтариши мумкин.

Жисмоний фаоллик ва ожирлик:

- Ожирлик гиперинсулинемия орқали саратон ривожланиш хавфини оширади.
- Жисмоний фаол шахсларда колоректал саратон хавфи 20–30% камроқ.
- Ҳафтада 3–4 соатлик пиёда юриш хавфни пасайтиришда етарли бўлиши мумкин.

Оилавий анамнез ва ирсият:

- Агар оила аъзоларида саратон аниқланган бўлса, хавф ошади.
- Колоректал саратон ҳолатларининг 5%–30% ирсий сабабларга боғлиқ.
- Оилавий аденоматоз полипоз, Линч синдроми каби касалликлар колоректал саратон ривожланишига олиб келиши мумкин.
- Бундай ҳолларда тез-тез тиббий кузатувлар ўтказиш тавсия этилади.

Ичак яллиғланиш касалликлари:

- Яллиғланиш касалликлари, айниқса ёшлиқда пайдо бўлса, колоректал саратон ривожланиш хавфини оширади.

- Бундай беморлар доимий тиббий назоратда бўлиши керак.

Профилактика йўналишлари:

1. Овқатланиш тарзини ўзгартириш:

- Қизил гўшт (ветчина, колбаса ва бошқалар) истеъмолини камайтириш ёки бутунлай чеклаш.
- Шакар истеъмолини чеклаш.
- Спиртли ичимликлардан воз кечиш.
- Сабзавот, мева ва озиқ-овқат толаларига бой маҳсулотлар (кўпикли ундан тайёрланган нон, пшенич ёки сулли отруба) истеъмолини ошириш.
- Кальцийга бой маҳсулотлар (сут ва сут маҳсулотлари) истеъмолини ошириш.
- Витамин А, С, D истеъмолини кўпайтириш.
- Кунда 3 стакандан кўп қаҳва ичиш онкологик касалликлар хавфини пасайтира олишини кўрсатувчи тадқиқотлар мавжуд.

2. Ҳаёт тарзини ўзгартириш:

- Тамаки чекишдан воз кечиш.
- Жисмоний фаолликни ошириш.
- Мунтазам тиббий текширувлардан ўтиш.

Эрта ташхис – муваффақиятли даволаш гарови

Колоректал саратоннинг кеч аниқланиши кўп беморлар учун ноқулай прогнозни англатади. Агар касаллик эрта босқичда аниқланса, жарроҳлик йўли билан ўз вақтида даволаш тирик қолиш имкониятини оширади.

3. Профилактика ва диспансер кузатуви, профилактика усуллари кўллаш учун тиббий кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар:

- Йўғон ичак ва ректосигмоид соҳа саратони бўйича даволаш тугатилгандан кейин қуйидаги даврийлик ва кузатув усулларига риоя қилиш **тавсия этилади**: илк 1–2 йил давомида физикал кўрик ва шикоятларни тўплаш – ҳар 3–6 ойда, жарроҳликдан сўнг 3–5 йил ўтгач – ҳар 6–12 ойда 1 марта. 5 йил ва ундан кейин кузатув ташрифлари ҳар йили ёки шикоятлар пайдо бўлганда ўтказилади. (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/2035076/>).

Текширувлар кўлами:

1. Анамнез ва физикал текширувлар.
2. Қондаги РЭА даражаси биринчи 2 йил давомида ҳар 3 ойда, кейинги 3 йилда ҳар 6 ойда текширилади (агар РЭА бошланғич даражада юқори бўлган бўлса).
3. Бирламчи ўсма резекциясидан сўнг 1 ва 3 йил ўтгач колоноскопия ўтказилади, кейин метахрон ўсмани аниқлаш ёки йўғон ичакдаги полипларни олиб ташлаш учун ҳар 5 йилда бир марта такрорланади. Агар полиплар аниқланса, колоноскопия ҳар йили ўтказилади (В). Агар даволашдан олдин стенозлашган ўсма сабабли колоноскопия ўтказилмаган бўлса, уни резекциядан сўнг 3–6 ой ичида бажариш тавсия этилади (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/30476731/>).
4. Қорин бўшлиғи ва кичик чаноқ аъзоларининг (комплекс) УТТси ҳар 3–6 ойда, касалликнинг прогрессия хавфига қараб ўтказилади.
5. Ўпка рентгенографияси ёки кўкрак қафаси аъзоларининг мақсадли рентген текшируви ҳар 12 ойда ўтказилади.
6. КТ (кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғи аъзолари) вена ичига болюс контраст юбориш орқали жарроҳликдан сўнг 12–18 ой ичида бир марта бажарилади (иловага қаранг) (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/31483854/>).

Тавсиялар ишончлилик даражаси – А (далилларнинг ишончлилик даражаси – 1).

Изоҳлар: Кузатувнинг вазифаси касалликнинг эрта прогрессиясини аниқлаш бўлиб, бу резектабель метастатик ўчоқлар ва рецидив ўсмалар учун жарроҳлик даволашни ёки химиятерапияни ўз вақтида бошлаш имконини беради. Шунингдек, метахрон йўғон ичак ўсмаларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилади. Системали қарши ўсма даволаш ва нур терапияси туфайли юзага келган асоратларнинг олдини олиш ва даволаш мувофиқ тавсияларга мувофиқ ўтказилиши мақсадга мувофиқ. (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/27884041/>).

Тавсиялар ишончлилик даражаси – С (далилларнинг ишончлилик даражаси – 5).

4. Тиббий реабилитация, реабилитация усулларини қўллаш учун тиббий кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар.:

- Предреабилитация давомида тиббий жисмоний тарбия (ЛФК), психологик ва нутритив қўллаб-қувватлаш, шунингдек, беморларни хабардор қилиш тавсия этилади. [88] (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/28161527/>).

Тавсиялар ишончлилик даражаси – В (далилларнинг ишончлилик даражаси – 3).

Изоҳлар: Колоректал саратонли беморлар учун комплексли преабилитация дастури, унинг таркибига уй шароитида тиббий жисмоний тарбия (ЛФК)

(ўртача интенсивликдаги жисмоний машқлар комплекси, аэроб ва анаэроб юкламалар), овқатланиш бўйича консултация, психолог билан ишлаш (хавотир ва депрессияни енгиш учун терапия) киритилади. Бу жараён жарроҳликдан 28 кун олдин бошланиб, операциядан кейин 8 ҳафта давом этади ва беморларнинг ҳаёт сифатини сезиларли даражада яхшилайдди. Психологик реабилитация стрессни енгиш усулларидан фойдаланишни ўз ичига олади (релаксация, ижобий руҳий кайфиятни шакллантириш). Бу жараён жарроҳликдан 5 кун олдин бошланиб, 30 кун давом этади, ҳар ҳафта 6 кун, 40–60 дақиқа давом этади ва беморларнинг умумий ҳолатини яхшилайдди.

- Реабилитациянинг fast track («тез йўл») ва ERAS (early rehabilitation after surgery, жарроҳликдан кейинги эрта реабилитация) тактикаларини қўллаш **тавсия этилади**. Ушбу ёндашувлар комплекс оғриқсизлантириш, эрта энтераль овқатланиш, зонд ва дренажларни доимий қўллашдан воз кечиш, шунингдек, операциядан кейин 1–2 кун ичида беморларни эрта ҳаракатлантириш (фаоллаштириш ва вертикализация қилиш)ни ўз ичига олади. (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/24379639/>).

Тавсиялар ишончлилиқ даражаси – А (далилларнинг ишончлилиқ даражаси – 1).

Изоҳлар: *Мажбурий спириметрияни қўллаш, каравотнинг бош қисмини кўтариш, нафас гимнастикасини эрта бошлаш ва беморларнинг эрта фаоллаштирилиши жарроҳликдан кейинги даврда ўпкадаги турғунлик ҳолатларини олдини олишга ёрдам беради.* (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/20347742/>).

Мушак массасининг камайиши, ўпка ва тромботик асоратларнинг олдини олиш мақсадида операциядан 2 соат олдин ва ундан кейин 6 соатдан охиқ бўлмаган муддат давомида каравотда бўлиш тавсия этилади. Нафас гимнастикаси операциядан кейин бемор онги нормаллашиши билан дарҳол бошланади. Беморни жарроҳликдан кейинги даврда нафас гимнастикаси тактикасига операциядан олдин ўргатиш тавсия этилади. Колоректал саратон бўйича жарроҳлик даволанган беморларга диафрагмал нафас олиш тавсия қилинади, бу организмда лимфа айланишини яхшилашга ёрдам беради ва кўкрак қафаси типидида нафас олишда етарлича ҳаво билан тўлмайдиған ўпканинг қуйи бўлақларини вентилятсия қилиш имконини беради.

- Реабилитациянинг 2-босқичида тўғри ичакнинг олдинги резекцияси синдромини даволашда тўғри ичак ва анус сфинктери (аноректал зона) қисқаришини ўлчаш усулларини ўз ичига олган функционал текширув ўтказиш **тавсия этилади**. [89, 90] (<https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC4753190/>).

Тавсиялар ишончлилиқ даражаси – С (далилларнинг ишончлилиқ даражаси – 5).

Изоҳлар: Бу синдром мавжуд бўлганда, таносил мушуқларини муштаҳкамлаш учун машқлар комплекси, biofeedback-терапия, тиббиал нейромодуляция, таносил ва ора мушуқларини электростимуляция қилиш тавсия этилади. [91] (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/27274318/>). Пешоб чиқариш бузилиши ва эректил дисфункция мавжуд бўлганда таносил мушуқларини муштаҳкамлаш учун машқлар, biofeedback-терапия, тиббиал нейромодуляция, таносил ва ора мушуқларини электростимуляция қилиш тавсия этилади. Қўл-оёқларда лимфедема юзага келганда, мануал лимфодренаж, компрессион трикотаж кийиш, тиббий жисмоний тарбия машқларини бажариш, терини парвариш қилишни ўз ичига олган тўлиқ қариш иши терапияси ўтказилиши лозим. Шунингдек, қуйи қўл-оёқларда лимфедема пайдо бўлганда, тўлиқ қариш иши терапияси билан биргаликда узлуксиз пневмокомпрессия, паст интензивли лазеротерапия, электротерапия, паст частотали магнитотерапия, ўзгарувчан электр майдони билан массаж (чуқур осцилляция) тавсия этилади.

- Химиятерапия давомидида тиббий жисмоний тарбия (ЛФК) машқларини бажариш, диафрагмал нафас олиш ва прогрессив мушак релаксациясини ўз ичига олган релаксация усулларини қўллаш тавсия этилади, шунингдек, массаж курсини тайинлаш имкониятини кўриб чиқиш керак. [92] (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/29044466/>).

Тавсиялар ишончилилик даражаси – В (далилларнинг ишончилилик даражаси – 1).

Изоҳлар: Во время 3-го этапа реабилитации рекомендовано ведение активного образа жизни, выполнение комплексов ЛФК после комбинированного лечения рака ободочной кишки и ректосигмоидного отдела

- Реабилитациянинг 3-босқичида фаол ҳаёт тарзини олиб бориш, йўғон ичак ва ректосигмоид бўлим саратоннинг комбинирланган даволашидан сўнг тиббий жисмоний тарбия (ЛФК) машқларини бажариш тавсия этилади. [93] (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/28682962/>).

Тавсиялар ишончилилик даражаси – В (далилларнинг ишончилилик даражаси – 3).

Изоҳлар: Рецидивли саратонли беморлар томонидан тиббий жисмоний тарбия (ЛФК) машқларини бажариш умумий ўлим хавфини 29% га камайтиради. Диссеминацияланган ўсма жараёнига эга беморларда ЛФК ва жисмоний фаоллик заифликни камайтиради, ҳаракатчанликни оширади, депрессия даражасини пасайтиради ва ҳаёт сифатини яхшилайди..

- Йўғон ичак саратонли беморларда саломатликка салбий таъсири ҳақида далиллар мавжуд бўлмаган ҳолларда, курортология даволаш доирасидаги реабилитация усулларини қўллашни чеклаш тавсия этилмайди.

Тавсиялар ишончлилик даражаси – С (далилларнинг ишончлилик даражаси – 5).

Изоҳ: *Ҳозирги вақтда ушбу реабилитация усуларини қўллашда ўсма жараёнининг прогрессияси хавфини оширишини кўрсатувчи маълумотлар, жумладан нашр этилган тадқиқотлар мавжуд эмас. [94] (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/28894582/>).*

4. Реабилитация босқичи ва кўлами:

Йўғон ичак ва ректосигмоид соҳа саратони беморлари йўғон ичак ва ректосигмоид соҳа саратони беморлари билан ишлаш тажрибасига эга бўлган онколог, амдоминал онколог, тиббий психолог, шу жумладан, турли профил мутахассислар гуруҳи томонидан назорат қилиниши керак. Беморларни онколог томонидан текшириш йилига камида 2 марта ўтказилиши керак; бошқа мутахассислар томонидан - агар керак бўлса. Беморларни йилига бир марта етарли клиник ва лаборатория жиҳозларига эга ихтисослаштирилган онкология марказида тиббий кўриқдан ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Йўғон ичак ва ректосигмоид соҳа саратони билан оғриган беморларнинг диспансер мониторинги куйидагиларни ўз ичига олади: касалликнинг қайталаниш ёки метастаз белгилари мавжудлигини баҳолаш билан беморнинг аҳволини динамик кузатиш, цитостатик терапиянинг тугалланган циклларида кейин умумий ресторатив терапия пайтида нохуш ҳодисалар мавжудлиги, индивидуал дори кўтара олишлиги мониторинги, вирусли контаминация, касалликнинг ўзгариши. беморнинг психологик ёки ижтимоий ҳолати, бошқа муҳим тизимларнинг ҳолатини баҳолаш талаб этилади.

Кимё-радиотерапия асоратларини даволаш: қон параметрларини тузатиш, оғиз гигиенаси, меъда-ичак тракти, МИТ органлари, юрак-қон томир тизими патологияси ва бошқалар. ва ихтисослашган мутахассисларга мурожаат қилиш. йўғон ичак ва ректосигмоид соҳа саратони билан оғриган барча беморларни ихтисослаштирилган онкология марказида рўйхатдан ўтказиш ва назорат қилиш тавсия этилади.

Тавсияларнинг ишончлилик даражаси С (далилларнинг ишончлилик даражаси 5).

5. Тиббий профилактика ёки реабилитация даражасини кўрсатадиган холда ташхислаш тадбирлари:

1) Далиллар даражаси киритилган холда асосий ташхислаш тадбирлари:

– Тромбоцитлар сонини ҳисоблаш, лейкоформула билан УҚТ;

- Қон биокимёвий таҳлили (натрий, калий, кальций, глюкоза, мочевино, креатинин, пешоб кислотаси, умумий оқсил, альбумин, умумий билирубин, бевосита билирубин, ЛДГ, АСТ, АЛТ, СРБ, ишқорий фосфотаза);
- Пешоб умумий таҳлили;
- Коагулограмма (АЧТВ, ПВ, МНО, ПТИ, фибриноген);
- Кўкрак қафаси рентген текшируви;
- Қорин бўшлиғи ва қорин парда орти МСКТси, контрастли кучайтириш билан;
- Кичик чаноқ МРТси;
- Комплекс ультратовуш диагностика (жигар, ўт қоғи, меъда ости беэи, талоқ, буйраклар, қорин парда орти ва периферик лимфа тугунлари);
- Яширин қонга ахлат таҳлили;
- Онкомаркерларга қон таҳлили: АФП, РЭА, СА 242, СА19-9;
- Тотал колоноскопия (фиброколоноскопия);
- Ирригоскопия
- ЭКГ;

Тавсия ишончилиги даражаси С (далиллар ишончилиги даражаси – 5)

2) Далиллар даражаси киритилган холда кўшимча ташхислаш тадбирлари:

- кўкрак қафаси МСКТси;
- бош ва бўйинни контрастлаш билан КТси;
- Фиброэзофагогастроуденоскопия ;
- Томирлар (вена ва/ёки артерия) УЗДГси;
- Бош мия МРТси;
- Меъда, 12 бармоқ ичак ва меъда ости беэиени контрастлаш билан рентген текшруви (жуфт контрастлаш);
- ЭхоКГ
- Холтер – мониторинг ЭКГ

Тавсия ишончилиги даражаси С (далиллар ишончилиги даражаси – 5)

7. Профилактика ёки реабилитация тадбирларининг самарадорлик кўрсаткичлари:

Профилактик терапия ва реабилитация динамик назорат ташрифи давомида клиник, лаборатория ва инструментал текширувларни кузатиш керак. йўғон ичак ва ректосигмоид соҳа саратони учун профилактика ва реабилитация тадбирларининг самарадорлиги кўрсаткичлари қуйидагича:

- Касаллик рецидивининг йўқлиги;
- Касаллик метастазланишининг йўқлиги;
- Цитостатик ва нур терапиянинг кечки асоратларининг йўқлиги;
- Беморнинг ва беморнинг яқин қариндошларининг руҳий ҳолатининг бошланғич позициясига тўлиқ қайтиш;
- Беморнинг зарарли одатлардан воз кечиши, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, соғлом овқатланиши;
- Беморнинг динамик назоратга ўз вақтида мурожаат қилиши;
- йўғон ичак ва ректосигмоид соҳа саратони учун хавф омили ёки фон касалликлари бўлган ҳолатлар/касалликларни ўз вақтида даволаш.

**«ЙЎҒОН ИЧАК ВА РЕКТОСИГМОИД
СОҲА САРАТОНИ» НОЗОЛОГИЯСИ
БЎЙИЧА ПАЛЛИАТИВ ТИББИЙ ЁРДАМ
МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛЛАРИ**

ТОШКЕНТ – 2025

- ХККТ код (лар) и:

КХТ-10:	
Код	Номланиши
C18	– Йўғон ичак хавфли ўсмалари
C18.0	– Кўр ичак
C18.1	– Чувалчангсимон ўсимта [аппендикс]
C18.2	– Кўтарилувчи чамбар ичак
C18.3	– Жигар эгрилиги
C18.4	– Кўндаланг чамбар ичак
C18.5	– Талоқ эгрилиги
C18.6	– Тушувчи чамбар ичак
C18.7	– Сигмасимон ичак
C18.8	– Юқорида кўрсатилган битта ёки бир нечта локализациядан ташқарига чиқувчи йўғон ичакнинг зарарланиши
C18.9	– Йўғон ичак ноаниқ локализацияли
C19	– Ректосигмоид бирикма хавфли ўсмалари
Юклаш (КХТ-10 ҳаволаси): https://mkb-10.com/index.php?pid=1110	
КХТ-11:	
Код	Номланиши
2B90-2B9Y	Йўғон ичак хавфли ўсмалари
2B90	Йўғон ичакдаги хавфли ўсманинг метастази
2B90.0	Юқорига кўтарилувчи чамбар ичак ва ўнг чамбар ичак бурчагининг хавфли ўсмаси
2B90.00	Юқорига кўтарилувчи чамбар ичак ёки ўнг чамбар ичак бурчаги аденокарциномаси
2B90.0Y	Юқорига кўтарилувчи чамбар ичак ва ўнг чамбар ичак бурчагининг бошқа аниқланган хавфли ўсмаси
2B90.0Z	Юқорига кўтарилувчи чамбар ичак ва ўнг чамбар ичак бурчагининг аниқланмаган хавфли ўсмаси
2B90.1	Пастга тушувчи чамбар ичак ва талоқ бурчагининг хавфли ўсмаси
2B90.10	Пастга тушувчи чамбар ичак ёки талоқ бурчаги аденокарциномаси

2B90.1Y	Пастга тушувчи чамбар ичак ва талоқ бурчагининг бошқа аниқланган хавфли ўсмаси
2B90.1Z	Пастга тушувчи чамбар ичак ва талоқ бурчагининг аниқланмаган хавфли ўсмаси
2B90.2	Кенг ётган чамбар ичак хавфли ўсмаси
2B90.20	Кенг ётган чамбар ичак аденокарциномаси
2B90.2Y	Кенг ётган чамбар ичакнинг бошқа аниқланган хавфли ўсмаси
2B90.2Z	Кенг ётган чамбар ичакнинг аниқланмаган хавфли ўсмаси
2B90.3	Сигмасимон ичак хавфли ўсмаси
2B90.30	Сигмасимон ичак аденокарциномаси
2B90.3Y	Сигмасимон ичакнинг бошқа аниқланган хавфли ўсмаси
2B90.3Z	Сигмасимон ичакнинг аниқланмаган хавфли ўсмаси
2B90.Y	Йўғон ичакнинг бошқа аниқланган хавфли ўсмаси
2B90.Z	Йўғон ичакнинг аниқланмаган хавфли ўсмаси
2B91	Ректосигма босқичи хавфли ўсмаси
2B91.0	Ректосигма босқичи аденокарциномаси
2B91.Y	Ректосигма босқичининг бошқа аниқланган хавфли ўсмаси
2B91.Z	Ректосигма босқичининг аниқланмаган хавфли ўсмаси
2B93	Локализацияси аниқланмаган йўғон ичак хавфли ўсмалари
2B93.0	Локализацияси аниқланмаган йўғон ичак аденокарциномаси
2B93.Y	Локализацияси аниқланмаган йўғон ичакнинг бошқа аниқланган хавфли ўсмалари
2B93.Z	Локализацияси ва тури аниқланмаган йўғон ичак хавфли ўсмалари
Юклаш (КХТ-11 ҳаволаси): https://icd.who.int/browse/2025-01/mms/ru#2009008947	

1. Асосий қисм.

1) Кириш

Йўғон ичак ва ректо-сигмоид соҳа саратони – йўғон ичак шиллик қаватидан келиб чиқадиган хавфли ўсмалар
(<https://new.nmicr.ru/pacientam/oncology/zheludochno-kishechnyj-trakt/rak-tolstoj-obodochnoj-kishki/>).

2) Нозологиянинг умумий тавсифи (фойдаланилган манбаъга ҳавола: https://gco.iarc.fr/today/en/dataviz/pie?mode=population&group_populations=0&cancers=41)

Халқаро саратонни ўрганиш агентлиги – GLOBOCAN маълумотларига кўра, 2022 йилда йўғон ичак ва ректо-сигмоид соҳа саратонининг жами 1 926 425 та ҳолати аниқланган ва 904 019 киши ушбу касалликдан вафот этган.

Беморларнинг 3–5 % ида йўғон ичак ва ректосигмоид соҳа саратонининг ривожланиши маълум ирсий синдромлар билан боғлиқ бўлиб, энг кўп учрайдиганлари – Линч синдроми, оилавий аденоматоз йўғон ичак ва MutYH-боғлиқ полипоз ҳисобланади. Қолган беморларда эса йўғон ичак ва ректо-сигмоид соҳа саратони спорадик хусусиятга эга. Ушбу патология ривожланишининг хавф омиллари сифатида йўғон ичакнинг сурункали яллигланиш касалликлари (масалан, носпецифик ярали колит, Крон касаллиги), чеккишлик, алкоголь истеъмоли, рационда қизил гўшт устунлиги, қандли диабет, семизлик ёки юқори тана массаси индекси, кам ҳаракатли турмуш тарзи каби омиллар кўриб чиқилади (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/23577027/>).

Йўғон ичак ва ректо-сигмоид бўлими саратони бошқа хавфли ўсмалар орасида касалланиш ва ўлим кўрсаткичлари бўйича етакчи ўринларни эгаллайди. 2017 йилда Россияда 42 087 та янги йўғон ичак ва ректосигмоид соҳа саратони ҳолати қайд этилган ва 23 022 нафар бемор ушбу касалликдан вафот этган. (<https://www.demoscope.ru/weekly/2014/0607/biblio04.php>).

2023 йилда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази статистик маълумотларига кўра, 100 минг аҳолига нисбатан колоректал саратон билан касалланиш 5,6 ҳолатни ташкил этиб, саратон касалликлари орасида иккинчи ўринни эгаллайди. Эркакларда 6,1 ҳолат билан учинчи ўринда, аёлларда 5,2 ҳолат билан тўртинчи ўринда қайд этилган.

2023 йилда илк бор йўғон ичак ва ректо-сигмоид бўлими саратони аниқланган беморлар сони 1123 нафарни ташкил этди. Улардан 5,9 фоизи профилактик кўриқлар пайтида фаол равишда аниқланган. Йўғон ичак ва ректосигмоид соҳа саратони ташхиси морфологик жиҳатдан тасдиқланган беморлар улуши 92,8 фоизни ташкил этади.

Касаллик босқичлари бўйича тақсимланганда:

I босқич – 1,8 фоиз,

II босқич – 35,4 фоиз,

III босқич – 37,0 фоиз,

IV босқич – 20,1 фоиз,

Босиш аниқланмаган ҳолатлар – 5,8 фоиз.

2025 йил бошида йўғон ичак ва ректо-сигмоид бўлими саратони билан диспансер назоратида турган беморлар сони 4136 нафар бўлиб, касалликнинг тарқалиш кўрсаткичи 100 минг аҳолига нисбатан 11,2 ни ташкил этди (C18+C19).

Йўғон ичак ва ректосигмоид соҳа саратонининг 5 йиллик тирик қолиш кўрсаткичи республика бўйича 37,7 фоиз, 1 йил ичидаги ўлим ҳолатлари эса 21,8 фоизни ташкил этади.

2023 йилда Ўзбекистон Республикасида йўғон ичак ва ректосигмоид соҳа саратонидан 515 бемор вафот этган, бу эса 100 минг аҳолига нисбатан 2,8 ҳолатни ташкил этиб, ўлим кўрсаткичи бўйича тўртинчи ўринда туради. Кўкрак беги саратони 4,9, ошқозон саратони 3,8, ўпка саратони 3,3 ҳолатни ташкил этган.

Клиник таснифи:

Гистологик жиҳатдан йўғон ичак ва ректосигмоид бўлими саратонлари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) томонидан 2019 йилда қабул қилинган йўғон ичак ва ректосигмоид бўлими саратонларининг халқаро гистологик таснифига мувофиқ таснифланади. (<https://publications.iarc.fr/Book-And-Report-Series/Who-Classification-Of-Tumours/WHO-Classification-Of-Tumours-Of-Soft-Tissue-And-Bone-2013>)

Йўғон ичак ва ректосигмоид соҳа саратонини TNM-8 тизими бўйича босқичини аниқлаш (2017)

Йўғон ичак ва ректо-сигмоид бўлими саратони учун ягона таснифлаш қўлланилади.

T – бошланғич ўсма

Tx – бошланғич ўсмани баҳолаш учун маълумот етарли эмас.

Tis – преинвазив саратон (интраэпителиал инвазия ёки шиллик қаватнинг ўз пластинкасига инвазия).

T1 – ўсма ичак деворининг шиллик ости қатламига тарқалган.

T2 – ўсма мушак қатламига тарқалган, аммо ичак девори орқали ўсмаган.

T3 – ўсма ичак деворининг барча қатламлари орқали ўсиб, ёғ тўқимасига тарқалган, аммо қўшни органлар зарарланмаган.

Юқори ампуляр тўғри ичак ва ректо-сигмоид бўлимида жойлашган ўсмалар (қорин парда билан қопланганлар) учун T3 белгиси субсерозагача тарқалишни кўрсатади (сероз қаватга ўтмаган).

T4 – ўсма атрофдаги органлар ва тўқималарга ёки сероз қаватга ўтган.

T4a – ўсма висцерал перитонеумга тарқалган.

T4b – ўсма бошқа органлар ва тузилмаларга ўтган.

N – регионар лимфа тугунларининг зарарланиши

Nx – регионар лимфа тугунларини баҳолаш учун маълумот етарли эмас.

N0 – регионар лимфа тугунлари зарарланмаган.

N1 – 1–3 та регионар лимфа тугунида метастазлар мавжуд.

N1a – 1 та регионар лимфа тугуни зарарланган.

N1b – 2–3 та регионар лимфа тугуни зарарланган.

N1c – Тутқичда диссеminatлар мавжуд, аммо регионар лимфа тугунлари зарарланмаган.

N2 – 4 ва ундан ортиқ регионар лимфа тугунларида метастазлар мавжуд.

N2a – 4–6 та регионар лимфа тугуни зарарланган.

N2b – 7 ва ундан ортиқ регионар лимфа тугунлари зарарланган.

M – узоқ метастазлар

M0 – узоқ метастазлар мавжуд эмас.

M1 – узоқ метастазлар мавжуд.

M1a – 1 та органда узоқ метастазлар мавжуд.

M1b – бир нечта органда узоқ метастазлар мавжуд.

M1c – қорин парда бўйлаб метастазлар мавжуд.

Касаллик босқичлари бўйича гуруҳлаш табица 4 да келтирилган.

8-жадвал. Йўғон ичак ва ректосигмоид соҳа саратони босқичлари

Босқич	T	N	M
0	is	0	0
I	1, 2	0	0
II	3, 4	0	0
IIA	3	0	0
IIB	4a	0	0
IIC	4b	0	0
III	Ҳар қандай	1, 2	0
IIIA	1, 2	1	0
	1	2a	0

ШВ	3, 4a	1	0
	2, 3	2a	0
ШС	4b	1, 2a, 2b	0
	4a	2a	0
	3, 4a	2b	0
IV	Ҳар қандай	Ҳар қандай	1
IVa	Ҳар қандай	Ҳар қандай	1a
IVb	Ҳар қандай	Ҳар қандай	1b
IVc	Ҳар қандай	Ҳар қандай	1c

Ўсма локализациясига қараб регионар лимфа тугунларини аниқлаш 9-жадвалда келтирилган.

9-жадвал. Бирламчи ўсма локализациясига қараб регионар лимфа тугунларининг жойлашиши

Ўсма локализацияси	Регионар лимфа тугунларининг локализацияси
Чувалчангсимон ўсимта	a. ileocolica бўйлаб
Кўр ичак	a. ileocolica, a. colica dextra бўйлаб
Кўтарилувчи чамбар ичак	a. ileocolica, a. colica dextra, a. colica media бўйлаб
Йўғон ичак жигар эгрилиги	a. colica dextra, a. colica media бўйлаб
Кўндаланг чамбар ичак	a. colica dextra, a. colica media, a. colica sinistra, a. mesenterica inferior бўйлаб
Йўғон ичак талоқ эгрилиги	a. colica media, a. colica sinistra, a. mesenterica inferior бўйлаб
Тушувчи чамбар ичак	a. colica sinistra, a. mesenterica inferior бўйлаб
Сигмасимон ичак	aa. sigmoideae, a. colica sinistra, a. rectalis superior, a. mesenterica inferior бўйлаб

Йўғон ичакнинг эрта саратонини Kikuchi бўйича таснифлаш

Йўғон ичак ва ректосигмоид соҳа саратони T1 босқичида маҳаллий резекцияни режалаштиришда касалликнинг аниқ босқичини аниқлаш тавсия этилади. Бунга магнит-резонанс томография (МРТ) ва колоноскопия маълумотларига асосланиб, ультратовуш усули орқали инвазия даражасини баҳолаш орқали эришилади.

Қуйидаги мезонлар асосида инвазия даражаси баҳоланади:

- T1sm1 – ўсманинг шиллик ости қатламига инвазияси унинг 1/3 қисмигача.
- T1sm2 – ўсманинг шиллик ости қатламига ўртача инвазияси, унинг 2/3 қисмигача.
- T1sm3 – ўсманинг шиллик ости қатламига тўлиқ инвазияси, унинг барча қалинлигигача.

Касалликнинг якуний босқичини белгилаш операциядан кейинги патолого-анатомик тадқиқот натижаларига асосланиб амалга оширилади.

Йўғон ичак малигнизацияланган полипларини Haggitt бўйича босқичлаш

Йўғон ичакдаги малигнизацияланган полиплар учун даволаш тактикасини белгилаш мақсадида морфологик тадқиқот натижалари асосида стадиялаш тавсия этилади.

- 0-даража – инвазив карцинома мавжуд эмас.
- I-даража – инвазия полипнинг "бош қисми"да.
- II-даража – инвазия полипнинг "бўйин қисми"да.
- III-даража – инвазия полипнинг "оёқ қисми"да.
- IV-даража – инвазия полипнинг "асос қисми"да.

I–III даражалар T1sm1 га мос келади, IV-даража эса T1sm1–T1sm3 га мос келиши мумкин.

2. Диагностика ва даволаш усуллари, ёндашувлари ва тартиблари:

1) Паллиатив ёрдам кўрсатиш учун касалхонага ётқизиш кўрсатмалари;

- Паллиатив (симптоматик) амалиёт, паллиатив кимётерапия, таргет даволаш, иммунотерапия, нур терапия ва даволаш бошқа турларини ўтказиш;
- Лимфа тугунининг/экстранодал ҳосиладан бирламчи ёки такрорий биопсиясини ўтказиш ёки трепанобиопсия;
- Амбулатория терапияси билан тузатилмаган асоратларни даволаш;
- Симптоматик даволаш ўтказиш.

2) Паллиатив ёрдам кўрсатиш учун касалхонага ётқизиш шарт-шароитлари.

- Паллиатив кимётерапия, таргет даво, иммунотерапия, нур терапия ва даволаш бошқа турларини (паллиатив ёки симптоматик жарроҳлик давоси) ўтказиш муддатининг келиши;
- Ҳаёт учун хавф солувчи ҳолатларнинг бўлиши;

3. **Диагностика мезонлари** (синдромнинг ишончли белгиларининг тавсифи):

1) Шикоятлари ва анамнез:

- Қорин оғриғи – қийин таърифланадиган тўлқинсимон ёки чарчовчи оғриқлардан кучли, хужумсимон оғриқларгача.
- Ошқозон дискомфорти – иштаҳа йўқолиши, кекириш ёки қайт қилиш, қориннинг юқори қисмида оғирлик ҳисси.
- Ичак бузилиши – қабзият, диарея, қабзият ва диареянинг навбатма-навбат юз бериши, қориннинг қуриллаши ва шишиши.
- Патологик ажралмалар – ахлат қилиш вақтида қон, шиллиқ, йиринг каби ажралишлар.
- Беморларнинг умумий ҳолати бузилиши – умумий ҳолсизлик, чарчоқ, кучсизлик, озиш, иситма, тери рангининг оқариши.
- Пальпацияда сезиладиган ўсма мавжудлиги.

2) Физикал текширувлар

Объектив текширув маълумотлари:

- **Кўрик:** терининг рангпарлиги, қорин асимметрияси, ичакнинг кўзга ташланадиган перистальтикаси, олд қорин деворининг нафас олиш жараёнида иштирок этиши.
- **Қоринни пальпация қилиш:** ўсмани пальпация орқали аниқлаш, бу касаллик босқичи, ўсманинг анатомик ўсиш шакли, қорин деворининг таранглиги ва ичакнинг тўлиш даражасига боғлиқ.
- **Қоринни перкуссия қилиш:** ўсма устида перкуссияда товушнинг пасайиши, "ишқаланиш шовқини", ўсмадан юқори жойлашган йўғон ичак йўналишида тимпанит.
- **Тўғри ичакни бармоқ билан текшириш:** юқори жойлашган тўғри ичак ва сигмовид ичак ўсмаларини пальпация қилиш мумкин, шунингдек, Дуглас

соҳасида метастатик ўсмалар, кўр ва сигмовид ичак ўсмаларининг аёллар жинсий аъзолари ёки пешоб пуфагига ўтиши аниқланиши мумкин.

3) Лаборатор текширувлар:

- Қон умумий таҳлили - гипохром анемия, ЭЧТнинг ортиши, лейкоцитоз характерли;
- Яширин қонга ахлат таҳлили - мусбат реакция
- коагулограмма – гиперкоагуляция белгилари кузатилади;
- онкомаркерларга қон таҳлиллари: АФП, РЭА, СА 242, СА19-9 – кўтарилган бўлади.

4) Инструментал текширувлар:

- Тотал колоноскопия биопсия билан – ўсмани визуализация қилиш, унинг ўлчами, локализацияси ва макроскопик турини аниқлаш, асоратлар хавфини (қон кетиш, перфорация) баҳолаш ва морфологик таҳлил учун материал олишда энг информатив усул ҳисобланади. Етарли миқдорда материал олиш учун стандарт эндоскопик анжомлар ёрдамида ўсма тўқимасидан бир неча (3–5) марта намуна олиш талаб этилади. Морфологик текширув натижалари олинганидан сўнг даволаш режаси тузилиши лозим. Агар ўсманинг инфилтратив ўсиши шиллик парда ости қатламида бўлса, ёлғон салбий натижани истисно қилиш учун такроран чуқур биопсия ўтказиш керак. Ушбу усулнинг сезгирлиги ва аниқлиги замонавий эндоскопик визуализация технологиялари (катталаштирувчи эндоскопия, тор спектрли эндоскопия, хромоэндоскопия, флюоресцент диагностика) қўлланилганда ошади. Агар жарроҳликдан олдин тотал колоноскопия ўтказилмаган бўлса, синхрон шаклланишларни аниқлаш мақсадида, операция вақтида пальпатор текширувда ўтказиб юборилган ҳолатларни истисно қилиш учун у резекциядан кейин 3-6 ой ичида амалга оширилиши лозим. [2, 3, 13 - 16]
- Иригоскопия ёки КТ-колонография – тотал колоноскопия ўтказиш имконияти бўлмаганда, янги ҳосилаларнинг локализацияси, шикастланиш ҳажми, ўсма ўсиш шакли, унинг ҳаракатчанлиги ва синхрон шаклланишларни истисно қилиш мақсадида амалга оширилади. КТ-колонография иригоскопияга нисбатан полипларни, айниқса, йўғон ичакнинг проксимал бўлимларида аниқлашда юқори сезгирликка эга. [13 - 16]
- Қорин бўшлиғи аъзоларининг КТси вена ичи контрастлаштириш билан қорин бўшлиғи аъзоларидаги метастазларни аниқлашда стандарт ташхис усули ҳисобланади. Қорин бўшлиғи аъзоларининг УТТси КТ ўтказиш имкони

бўлмаганда тавсия этилади. Жигар метастазларини резекция қилиш режасини фақат УТТ ёки вена ичи контрастлаштиришсиз КТ маълумотлари асосида белгилашга йўл қўйилмайди [17]

- Қорин бўшлиғи аъзоларининг МРТси вена ичи контрастлаштириш билан жигар метастазларининг резектабеллигини баҳолашда энг мақбул усул ҳисобланади. Вена ичи контрастлаштириш қўллаш мумкин бўлмаган беморларда МРТ DWI режимида ўтказилиши мумкин. МРТ ўтказиш мумкин бўлмаган беморларга вена ичи контрастлаштириш билан КТ ёки ПЭТ-КТ тавсия этилади. МРТ бошқа визуал ташхис усуллариغا нисбатан энг юқори сезгирликка эга бўлиб, айниқса, 1 см дан кичик метастазларни аниқлашда устунликка эга. [18 – 20]
- Кўкрак қафаси рентгенографияси икки проекцияда ёки кўкрак қафаси аъзоларининг КТси – ўпка ва медиастинал лимфа тугунларидаги метастатик жараёни истисно қилиш учун ўтказилади. Ушбу текширув ўсимта жараёни маҳаллий тарқалиши кам бўлган беморларда кўкрак қафаси аъзоларининг рентгенологик текшируви билан қисман алмаштирилиши мумкин. [3, 21]
- МРТ ёки КТ (вена ичи контрастлаштириш билан) кичик чаноқ аъзолари текшируви – тўғри ва сигмасимон ичак саратонида талаб этилади. МРТ маҳаллий ўсма жараёнининг жарроҳликдан олдинги батафсил баҳолашини таъминлагани учун афзал усул ҳисобланади. [22, 23]
- Эрта саратон (T1sm1) ва йўғон ичак ворсинкасимон ўсмаларида маҳаллий резекцияни режалаштиришда УТТ-колоноскопия тавсия этилади. [24, 25]
- Остеосцинтиграфия – пскелет суяқларини метастатик зарарланишига шубҳа бўлганда ўтказилади [26]
- ПЭТ-КТ КТ ёки МРТ маълумотлари асосида метастазларга шубҳа туғилганда ва уларни тасдиқлаш даволаш тактикасини тубдан ўзгартирадиган ҳолатларда тавсия этилади. [19, 27]
- Вена ичи контрастлаш билан бош мия МРТ ёки КТси бош мияга метастазга гумон бўлганда бажарилади. [28, 29]
- Лимфа тугунлари биопсияси – метастазларга шубҳа туғилганда ва уларни тасдиқлаш даволаш тактикасини тубдан ўзгартирадиган ҳолатларда тавсия этилади. Биопсия УТТ ёки КТ назорати остида ўтказилиши лозим.
- Касалликнинг резектабле босқичларида лапароскопия — ўсманинг қорин парда бўйлаб диссеминациясига гумон бўлганда [29]
- Электрокардиография. [30]

Ўсма биоптати таҳлили – RAS, KRAS, NRAS, BRAF генларидаги мутацияларни ва микросателлит ноустуворлигини (MSI) ПЦР усулида аниқлаш,

ташхисланган ёки шубҳа қилинган аденокарцинома метастазларида ўтказилади. Бу маълумотлар метастатик жараёнда мақсадли даволаш учун таргет агент танлашга таъсир қилиши мумкин. Агар RAS ва BRAF гуруҳи генларида мутациялар аниқланмаса, HER2 экспрессияси ёки амплификациясини қўшимча аниқлаш тавсия этилади. [8-11]

- Генетик тестлаш қуйидаги ҳолатларда тавсия этилади:
 - 5) Линч синдромига гумон бўлганда. MLH1, MSH2, MSH6, PMS2 генларида мутацияларга тестлар бажарилади:
 - беморни Amsterdam II мезонларига мос келганда
 - Агар беморнинг биринчи ёки иккинчи даражали қариндошида Линч синдроми ташхисланган бўлса.
 - Беморда 50 ёшгача даврда эндометрий саратони ривожланган бўлса
 - 6) Линч синдромига шубҳа қилинган, ammo Amsterdam II мезонларига мос келмайдиган беморларда, агар Bethesda мезонларига мос келса, микросателлит ноустуворлигини (MSI) аниқлаш бўйича тест ўтказилади. Агар MSI-H аниқланса, MLH1, MSH2, MSH6, PMS2 генларида мутацияларга тест ўтказиш тавсия этилади.
 - 7) Оилавий полипозга гумон бўлганда – APC гени мутациясига тестлаш:
 - Беморда 100 тадан ортиқ ичак полипи бўлганда
 - Агар беморнинг биринчи даражали қариндошида оилавий аденоматоз ташхисланган бўлса.
 - 8) Аттенуирланган оилавий аденоматозга (20 дан 100 тагача полип) шубҳа қилинганда, APC генидаги мутацияларни аниқлаш учун молекуляр-генетик таҳлил ўтказилади. МҮН-ассоциацияланган полипоз – агар беморда 20 дан ортиқ йўғон ичак полиплари аниқланса ва APC гени мутацияси манфий бўлса, МҮН генидаги мутацияга тест ўтказиш тавсия этилади:
 - Оиласида оилавий аденоматознинг рецессив ирсиятли шакли кузатилган беморлар.;
 - кечроқ ёшда (34-44 ёш) полип аниқланган беморларда.

МҮН-ассоциацияланган полипоз ва Блум синдромидан ташқари, колоректал саратон ривожланиши билан боғлиқ барча ирсий синдромлар аутосомно-доминант тусга эга. Агар беморда оилавий аденоматоз полипоз ва Линч синдроми истисно қилинган бўлса, шунингдек, яққол оилавий онкологик анамнез мавжуд бўлса, кам учрайдиган касалликларни (Пейтц-Егерс, Ли-Фраумени, Блум, Коуден синдромлари, ювенил полипоз, олигодонтия ва колоректал саратон) аниқлаш учун генетик маслаҳатлашув тавсия этилади. [3, 4, 12]

- Биопсия (операцион) материални патологоанатомик текшируви.

Изох: Морфологик хулосада қуйидаги параметрларни акс эттириши тавсия этилади (<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/23012255/>):

1. резекциянинг проксимал ва дистал четларига бўлган масофа.
2. Ўсма ўлчамлари.
3. ЖССТ таснифи бўйича ўсманинг гистологик тури.
4. Ўсманинг хавфлилиқ даражаси (паст, юқори).
5. pT.
6. pN (текширувлар ва зарарланган лимфа тугунлар умумий сонини кўрсатган ҳолда).
7. Агар лимфа тугунида рутин бўёқлаш ёки иммуногистохимик тадқиқот натижасида патолого-анатомик таҳлил вақтида ≤ 200 та изоляцияланган ўсма хужайралари аниқланса, уни метастаз-манфий (N0) деб ҳисоблаш тавсия этилади.
8. Периколяр ёғ тўқимасида олдиндан мавжуд лимфа тугуни, қон томир (аксил ҳолда қон томир инвазияси сифатида баҳоланади) ёки нерв тузилмалари (аксил ҳолда периневрал инвазия сифатида баҳоланади) бўлмаган ҳолда изоляцияланган ўсма депозитлари мавжудлиги. Агар бу структуралар бўлмаса, ўсма депозитлари алоҳида қайд этилиши керак.
9. Проксимал резекция чегарасининг зарарланиши ҳолати (манфий натижа ҳам тасдиқланиши керак).
10. Дистал резекция чегарасининг зарарланиши ҳолати (манфий натижа ҳам тасдиқланиши керак).
11. Интрамурал ва экстрамурал қон томир инвазияси мавжудлиги (манфий натижа ҳам тасдиқланиши керак).
12. Периневрал инвазия мавжудлиги (манфий натижа ҳам тасдиқланиши керак).
13. 3-босқичли схемада ўсманинг инвазив фронти гистологик градацияси (tumor-budding), шунингдек аденокарцинома/саратоннинг ўсиши характери (инфильтратив, экспансив).
14. MSI-H билан аҳамиятли боғлиқ бўлган гистологик белгилар: тишсимон, узуксимон-хужайрали, муциноз ва медуляр аденокарцинома, шунингдек, интра- ва перитуморал лимфоид инфилтратсия.
15. Ўсма регрессия даражаси (TRG1–TRG5) Mandard мезонларига кўра баҳоланиши керак (агар олдиндан комбинирланган даволаш ўтказилган бўлса)

(Қўшимча Г3).

16. Атикал лимфа туғуни зарарланиши (манфий натижа ҳам тасдиқланиши керак).

4. Паллиатив тиббий ёрдамнинг мақсадлари:

- ✓ Оғрик, ичак тутилиши, қон кетиш, механик ва паренхиматоз сариқлик, портал гипертензия ва бошқа оғриқли аломатларнинг олдини олиш ва йўқ қилиш, беморнинг азобини енгиллаштириш;
- ✓ Саратон касаллигининг ривожланишини секинлаштириш ва беморнинг умрини узайтириш;
- ✓ Бемор ҳаёти фаровонлигини ошириш ҳаёт сифатини яхшилаш;
- ✓ Психологик, ижтимоий, маънавий қўллаб-қувватлаш, психосоматик томонидан қўллаб-қувватлаш;
- ✓ Ўсмага қарши даволашнинг ножўя таъсирини енгиш учун;

5. Паллиатив тиббий ёрдам кўрсатиш тактикаси:

- ўсма ўқоғи ва метастазларни кичрайтириш;
- ўсма жараёни қисман регрессияси ёки стабилизациясига эришиш;
- ҳаёт сифатини яхшилаш;
- ҳаёт давомийлигини узайтириш.

1) Паллиатив ёрдам кўрсатишда беморни кузатиш картаси:

• Нерезектабел III босқич

- Нерезектабель йўғон ичак ва ректосигмоид соҳа саратони (T4N0-2M0) ҳолатида беморларни йирик тиббий марказларга юбориб, ўсмани олиб ташлаш имкониятини қайта баҳолаш тавсия этилади. [36]

- Агар R0-1 ҳажмида жарроҳлик даволаш ўтказиш имкони бўлмаса, операциялар фақат юқори хавfli ичак тутилиши ривожланиш эҳтимолида амалга оширилади ва чекланиб, айланма анастомозлар, колостома ёки илеостома шакллантириш билан чекланади. Кейинчалик беморларга паллиатив химиотерапия тавсия этилади. [34 - 36]

● IV босқич

- Генерализланган йўғон ичак ва ректосигмоид соҳа саратонида, агар синхрон метастазлар жигар ёки ўпкада резектабел ёки потенциал резектабел бўлса (M1a), куйидаги ҳолатларда R0 ҳажмида резекция ўтказиш тавсия этилади: дастлабки баҳолашда йўғон ичак ва ректосигмоид соҳа саратони метастазларини жигар ёки ўпкада тўлиқ олиб ташлаш имкони мавжуд бўлса, химиятерапия давомида ушбу аъзоларнинг метастатик зарарланиши резектабель ҳолатга ўтса. Бундай ҳолларда, метастазлар жойлашган аъзоларга нисбатан R0 ҳажмида жарроҳлик аралашуви ўтказилиши керак. [3, 38 – 41]

Даволаш тактикаси метастатик ўчоқларнинг дастлабки резектабеллигига боғлиқ. Энг яхши натижалар резекция чегараси камида 1 см бўлган ҳолатда эришилади. Метастазлар резектабел ҳолатга келиши билан R0 ҳажмидаги операцияни кечиктирмасдан ўтказиш лозим. Химиятерапияни узайтириш жигарнинг токсик шикастланиши хавфини ошириши ва айрим метастазларнинг “йўқолиши”га сабаб бўлиши мумкин, бу эса жарроҳлик пайтида уларни аниқлашни қийинлаштиради. Агар симптомли бирламчи ўсма мавжуд бўлса (ичак тутилиши ёки қон кетиш хавфи), биринчи босқичда лимфодиссекция билан бирга бирламчи ўсмани жарроҳлик йўли билан олиб ташлаш амалга оширилади. Жигар метастазларига радиочастотали абляция ёки стереотаксик нур терапияси: радикал аралашувга эришиш мақсадида жигар резекциясига қўшимча сифатида, жарроҳлик даволаш имкони бўлмаганда мустақил усул сифатида қўлланилиши мумкин. [38 - 40, 42]

Дастлабдан резектабел метастатик ўчоқлар мавжуд бўлганда, уларни жарроҳлик йўли билан олиб ташлаш тавсия этилади. Агар беморнинг функционал ҳолати имконият берса, афзаллик бир вақтнинг ўзида ўтказиладиган жарроҳлик аралашувига берилади. [3, 38 - 40, 42]

Эслатма: Жигар метастазларининг резектабеллик мезонлари - нерезектабель экстражигар метастазларнинг йўқлиги; беморнинг функционал ҳолати операцияни кўтаришга йўл қўйиши ва ҳамроҳ касалликлар суб- ёки декомпенсация босқичида бўлмаслиги; барча метастазларни клиренси камида 0,1 см бўлган ҳолда, ўсма ўсишисиз олиб ташлаш имконияти; жигарнинг зарарланиши 70% ёки 6 сегментдан ошмаслиги.

Дастлабдан резектабель метастатик ўчоқларда муваффақиятли R0 ёки R1 резекция ўтказилгандан кейин, адьювант химиотерапия тавсия этилади. Тавсия этилган схемалар: FOLFOX, XELOX, Фторпиримидинлар монорежимида. Даволаш давомийлиги – 6 ой. [43, 44]

Юқори хавfli касаллик прогрессияси мавжуд бўлган ҳолларда, жарроҳлик даволашни дарҳол ўтказиш ўрнига, периоперацион тизимли химиотерапия (FOLFOX, XELOX) тавсия этилади. 4-6 цикл химиятерепиядан кейин метастазлар

ва бирламчи ўсма бир вақтда ёки кетма-кет резекция қилинади. Жарроҳликдан кейин аввал қўлланилган химиотерапия умумий 6 ой давом эттирилади. Жигар метастазларида резектабельлик сақланган ҳолларда, моноклонал антителалар қўшилиши тавсия этилмайди, чунки бу узоқ муддатли натижаларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. [40, 45]

- Потенциал резектабел метастатик ўчоқларда максимал даражада самарали химиятерапия ўтказиш тавсия этилади. Ушбу даволашнинг асосий мақсадлари: Обьектив терапевтик самарага эришиш, норезектабел метастазларни резектабел ҳолатга ўтказиш. (FOLFOX, XELOX ёки FOLFIRI, XELIRI, FOLFOXIRI). [3, 33, 43, 46 - 50]

Химиятерапия режими ичида резектабельликни ошириш учун афзал усул FOLFOXIRI комбинацияси ҳисобланади. 4–6 циклдан кейин резектабеллик қайта баҳоланади. Агар прогрессия кузатилмаса, метастазлар ва бирламчи ўсма бир вақтда ёки кетма-кет олиб ташланади. Шундан сўнг адьювант химиятерапия FOLFOX ёки XELOX схемаси бўйича 6 ойгача давом эттирилади (жарроҳликдан олдинги химиятерапия ҳисобга олинган ҳолда). Агар метастатик ўчоқлар прогрессия қилса ёки уларни олиб ташлаш имкони бўлмаса, даволаш нерезектабел метастазлар учун тавсия этилган терапия принциплари асосида олиб борилади. [46, 47]

- Метакрон резектабел ёки потенциал резектабел йўғон ичак ва ректосигмоид соҳа саратони метастазлари жигар ёки ўпкада аниқланганда, қуйидаги даволаш тактикаси тавсия этилади: Жарроҳлик аралашуви ўтказилиши ва адьювант химиятерапия 6 ой давомида (FOLFOX ёки XELOX) қўлланилиши. Агар химиятерапия аввал қўлланилмаган ёки ундан кейин 12 ойдан кўпроқ вақт ўтган бўлса, периперитонеал химиотерапия тавсия этилади (FOLFOX ёки XELOX – 3 ой операциягача ва 3 ой операциядан кейин). [3, 44, 51]

- При канцероматозе брюшной полости необходимо рассмотреть вопрос о проведении гипертермической интраперитонеальной химиотерапии Қорин бўшлиғи канцероматози ҳолатида гипертермик интраперитонеал химиотерапия (HIPEC) ўтказиш имкониятини кўриб чиқиш тавсия этилади.

- Функционал жихатдан жарроҳлик мумкин бўлмаган йўғон ичак ва ректосигмоид соҳа саратони (оғир хамроҳ касалликлар фонида) ҳолатида паллиатив дори воситалари билан даволаш ёки симптоматик терапия тавсия этилади. Шунингдек, ўсмани стентлаш ёки ичакни енгиллаштирувчи стома шакллантириш мумкин. [52 - 54]

Операция ўтказиш хавфи онкологик жараённинг прогрессияси билан боғлиқ хавфдан юқори бўлганда, жарроҳлик аралашувиға қарши кўрсатмалар мавжудлиги ҳақида қарор фақат консилиум томонидан қабул қилиниши керак. Консилиум таркибида жарроҳ, терапевт, анестезиолог ва реаниматолог иштирок этиши лозим.

- Йўғон ичак ва ректосигмоид соҳа саратони рецидивни ҳолатида қайта жарроҳлик даволаш имкониятини кўриб чиқиш тавсия этилади. Агар жарроҳлик аралашувини қайта ўтказиш мумкин бўлмаса, тизимли химиотерапия тавсия этилади. [55 - 56]

Даволаш тактикаси мултидисциплинар консилиум томонидан аниқланади. Консилиум таркибига жарроҳ-колопроктолог, гепатожарроҳ, нур терапевти ва химиотерапевт кириши керак. Қарор жарроҳликдан олдинги текширув натижалари ва касалликнинг клиник босқичи асосида қабул қилинади.

2) Паллиатив номедикаментоз даво:

Режим

- **Консерватив даволашда** – умумий режим.
- **Жарроҳликдан кейинги эрта даврда** – ётоқ ёки ярим ётоқ режими (операция ҳажми ва ҳамроҳ касалликларга қараб).
- **Жарроҳликдан кейинги даврда** – палата режими.

Пархез: Жарроҳликдан кейин Стол №1, кейинчалик Стол №2га ўтиш.

Паллиатив нур терапия турлари:

- фотон терапия (юқори энергияларни тормозли нурланиши, гамма терапия);
- корпускуляр терапия (юқори энергияларнинг тез электронлари, протон, ион, нейтрон).

Нур терапия методлари (вақт давомида дозаларни фракционирлаш режимлари):

- Классик (стандарт) фракционирлаш режими: БМЎД 1,8-2,4 Гр ҳафтасига 5 фракциягача, бўлинган ёки узлуксиз курс, СЎД 20,0-70,0 Гр гача.
- Гипофракционлаштирилган режим – БМЎД >2,5 Гр, ҳафтасига 5 фракциягача, расщепланган ёки узлуксиз курс, СЎД > 15,0 Гр гача.
- Гиперфракционлаштириш (мультифракционлаштириш) режими – БМЎД 1,0–1,25 Гр кунига 2 марта (4–6 ва 18–20 соат оралиғида), расщепланган ёки узлуксиз курс, СЎД 20–70 Гр гача.
- Стереотаксик радиофарроҳлик (SRS) – бир мартада юқори дозада (БМЎД 12 Гр ёки ундан юқори) стереотаксик техника ёрдамида радиофарроҳлик ўтказилади. 3 см гача бўлган ва аниқ чегарага эга ўсмаларда қўлланилади.

- • Стереотаксик нур терапияси (SRT) – 2-5 фракцияда катта дозали нурлантириш (БМЎД >7,0 Гр) кунлик равишда, СЎД ≥ 14 Гр гача.
- Томоаппаратларда томотерапия. Спирал томотерапия.
- Протонли нур терапия.

Нур терапия усуллари

Дистанцион НТ:

- 2-х ўлчамли конвенциал (стандарт) нур терапия (2D RT);
- 3-х ўлчамли конформ нур терапия (3D CRT);
- интенсив-модулирланган нур терапия (IMRT);
- суратлар бўйича бошқариладиган нур терапия (IGRT);
- нафас билан синхронлаштирилган нур терапия (4D RT);
- томоаппаратларда томотерапия;
- стереотаксик радиохирургия (SRS);
- стереотаксик радиотерапия (SRT);
- интраоперацион нур терапия (IORT);
- брахитерапия.

Бош миёга метастазларда нур терапия.

3. С1 бўйин умумртқасигача бош миёни тотал нурлантириш:

- БМЎД 2,0 Гр ҳафтасига 5 фракция СЎД 30-40 Гр;
- БМЎД 2,5 Гр ҳафтасига 5 фракция СЎД 30-35 Гр;
- БМЎД 3,0 Гр ҳафтасига 5 фракция СЎД 30-33 Гр;
- БМЎД 4,0 Гр ҳафтасига 5 фракция СЎД 20 Гр.

4. Бош миёни локал нурлаш

- стереотаксик радиохирургия (SRS) - БМЎД 10,0 – 30,0 Гр 1 фракция – агар метастаз ўлчами 3 смдан катта бўлмаса.;
- стереотаксик радиотерапия (SRT) – БМЎД 6,0-10,0 Гр 3-5 фракция – агар метастаз ўлчами 3,0 дан 6,0 смгача бўлса;
- метастазларни локал нурлантириш БМЎД 2,0-3,0 СЎД 20-60 Гргача.

Скелет суякларига метастазларда нур терапия.

- БМЎД 2,0 Гр ҳафтасига 5 фракция СЎД 40-50 Гр;
- БМЎД 2,5 Гр ҳафтасига 5 фракция СЎД 40-50 Гр;
- БМЎД 3,0 Гр ҳафтасига 5 фракция СЎД 39-45 Гр;
- БМЎД 4,0 Гр ҳафтасига 3-5 фракция СЎД 20-40 Гр;
- БМЎД 8,0 Гр 1-2 фракция.

Стандарт усул бўйича мустақил нур терапияси (паллиатив режим)

1. Умумий тавсиф:

Бирламчи ўсма ва минтақавий метастазлар ҳудуди конвенционал (стандарт) ёки конформ режимда нурлантирилади.

- Статик кўп майдонли режимда нурлантириш
- Бир марталик асосий ўртача доза (БМЎД): 1,8–2,0–2,5 Гр, ҳафтасига 5 фракция
- Умумий доза (СЎД): 60–70 Гр
- Узлуксиз ёки расщепланган курс

2. Бирламчи ўчоқ нурлантириш усуллари:

- Агар бирламчи ўсма нисбатан кичик бўлса, у фақат масофадан нурлантирилади.
- Паст жойлашган ўсмаларда ва эндостатлар жорий этиш имкони мавжуд бўлса, мувофиқлаштирилган нур терапияси ўтказилади:
 - Дистанцион нур терапияси (СЎД 40–50 Гр, изоэквивалент 70–74 Гр)
 - Сўнгра контактли нур терапияси ўтказилади

3. Аппаратура:

- Гамма-терапия аппаратлари ёки чизикли тезлатгичлар
- Брахитерапия ускуналари (ичак ичи нур терапияси учун)

4. Кўшимча химоя:

Нур терапияси давомида нур таъсиридан химоя қилувчи дори воситаларини қўллаш мумкин.

Юқори технологик (IMRT, RAPID ARC) нур терапия:

Сифат назорати нур терапия вақтида ўтказилади:

7. EPID – MV - megavoltage image;
8. kV – kilovoltage image;
9. СВСТ – cone beam computed tomography. Кичик чаноқ учун: БМЎД = 1.8 – 2.0Гр;

СЎД = 45 – 50 Гр.

- Бирламчи ўсмага предоперацион «boost» - (операбел ўсмаларга) СЎД = 5.4 Гр 3 фракция;
- Ўсма ўрнига операциядан кейинги «boost»: СЎД = 5.4 – 9.0 Гр 3 – 5 фракция;
- Нооперабел ўсмаларда БМЎД -1,8 Гр-2,0 Гр, 5 ФР, СЎД \geq 54 Гр;
- Ингичка ичакнинг кўтара олувчи (толерант) дозаси \leq 45 Gy;
- Резекция қирралари мусбат ёки жуда яқин бўлганда – «boost»10 – 20 Гр операциядан бевосита кейин.

T3/T4 (ва/ёки N+) ўсмаларида стандарт даволаш усули сифатида жарроҳликдан олдинги классик нур терапияси 5-FU билан комбинацияда қўлланилади.

Нур терапияга қарши кўрсатмалар:

1. Беморнинг оғир умумий ҳолати, кучли интоксикация белгилари.
2. Иситмали ҳолатлар.
3. Кахексия.
4. Ўсмани кенг тарқалиши, парчаланиши ва қон кетиш билан кечиши, саратон плеврити, ўсманинг йирик қон томирлар ёки қўшни аъзоларга ўтиши, кўп сонли метастазлар мавжудлиги.
5. Беморда нур касаллиги мавжудлиги.
6. Оғир ҳамроҳ касалликлар, жумладан:
 - Фаол шаклдаги ўпка сил касаллиги
 - Юрак-қон томир етишмовчилиги (III даража)
 - Миокард инфаркти
 - Ўткир ва сурункали коронар етишмовчилик
 - Декомпенсацияланган қандли диабет
 - Буйрак касалликлари
 - Нафас етишмовчилиги

7. Кучли анемия, лейкопения ва тромбоцитопения.

Трансфузион қўллаб қувватлаш.

- Трансфузион терапия учун кўрсатмалар, биринчи навбатда, ҳар бир бемор учун ёши, ҳамроҳ касалликлари, кимётерапиянинг толерантлиги ва даволашнинг олдинги босқичларида асоратларнинг ривожланишини ҳисобга олган ҳолда индивидуал равишда клиник кўринишлар билан белгиланади.
- Кўрсатмаларни аниқлаш учун лаборатория параметрлари ёрдамчи аҳамиятга эга бўлиб, улар асосан тромбоцитлар концентратини профилактик қуйиш зарурлигини баҳолаш учун қўлланилади.
- Трансфузияларга кўрсатмалар, шунингдек, кимётерапия курсидан кейинги вақтга боғлиқ – кейинги бир неча кун ичида кўрсаткичларнинг тахмин қилинган пасайиши ҳисобга олинади.

Эритроцитар масса/аралашма:

- Тўқималарнинг кислородга бўлган эҳтиёжини қондириш учун одатдаги захиралар ва компенсация механизмлари етарли бўлса, гемоглобин даражасини ошириш шарт эмас;
- Сурункали анемияларда эритроцитларни сақловчи воситаларни қуйиш учун фақат битта кўрсатма мавжуд – симптоматик анемия (тахикардия, нафас қисилиши, стенокардия, сенкоп, de novo депрессияси ёки ST элевацияси билан намоён бўлади);
- Гемоглобин даражасининг 30 г/л.дан кам бўлиши, эритроцитлар трансфузияси учун абсолют кўрсатма бўлади;
- Юрак-қон томир тизими ва ўпканинг декомпенсацияланган касалликлари бўлмаса, сурункали анемияда эритроцитларни профилактик қуйиш учун кўрсатма бўлиши мумкин бўлган гемоглобин даражаси:

– Ёши (ёш)	– Нв (г/л) триггер даражаси
– <25	– 35-45
– 25-50	– 40-50
– 50-70	– 55
– >70	– 60

Тромбоцитлар концентрати:

- Тромбоцитлар даражасининг $10 \times 10^9/\text{л}$ дан пасайиши ёки терида геморрагик тошмаларнинг пайдо бўлишида (петехиялар, кўкаришлар) аферез тромбоцитлар билан профилактик трансфузия ўтказилади;
- Иситма билан, инвазив аралашув режалаштирилаётган беморларга юқорироқ даражада ҳам ($20 \times 10^9/\text{л}$) аферез тромбоцитлар билан профилактик трансфузия ўтказилиши мумкин;
- Петехиал-доғли типдаги геморрагик синдром (бурун, милкдан қон кетиш, мено-, метроррагия, бошқа локализация қон кетишлари) мавжуд бўлганда, тромбоцитлар концентратини қуйиш даволаш мақсадида амалга оширилади.

Янги музлатилган плазма:

- ЯМПни трансфузияси қон кетишли беморларда ёки инвазив муолажалар ўтказишдан олдин ўтказилади.
- $\text{MHO} \geq 2.0$ бўлган беморлар (нейрожарроҳлик аралашувларида ≥ 1.5) инвазив муолажаларни режалаштиришда ЯМП қуйиш учун кандидат сифатида кўрилади. Режали амалиётларда амалиётдан камида 3 кун олдин фитоменадион 30 мг/сут дан кам бўлмаган дозада вена ичига ёки ичишга буюрилиши мумкин.

3) Паллиатив медикаментоз даво

Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтмаган дори воситаларининг клиник баённомага киритилиши бепул тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажми доирасида ва мажбурий ижтимоий тиббий суғурта тизимида харажатларни қоплаш учун асос бўлмайди.

Паллиатив медикаментоз давонинг патогенетик тактика:

1. Мустақил полихимиятерапия ўсма рецидиви ёки метастазланиш (прогрессия, генерализация) мавжуд бўлганда қўлланилади.
2. IV босқичда (нерезектабель ва генерализланган шакллар) мустақил химиятерапия ўтказилади.

Клиник тактика: Йўғон ичак ва ректосигмоид соҳа саратонида химиятерапия: Жарроҳлик ёки комбинирланган даволаш (операция + нур терапияси)дан кейин адьювант терапия сифатида қўлланилади. Нур терапияси билан комбинацияда амалга оширилади. Кенг тарқалган жараёнларда мустақил даволаш усули сифатида татбиқ этилади.

Йўғон ичак метастатик саратонини дори терапияси

Метастатик йўғон ичак ва ректосигмоид соҳа саратонида дори воситалари билан даволаш мақсадлари: умр давомийлигини узайтириш, касаллик симптомларининг тез-тез учрашини камайтириш, беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш

1-й линия химиятерапия (ХТ) танлови клиник симптомлар даражасига боғлиқ.

- Ҳар қандай клиник белгилари мавжуд беморларга: FOLFOX, XELOX, XELIRI, FOLFIRI, FOLFOXIRI комбинациялари, камида 3–4 ой давомида, кейин фторпиримидинлар билан қўллаб-қувватловчи терапия тавсия қилинади. Оксалиплатин монорежими самарасиз [3, 61]
- Кучли клиник симптомлар (ECOG 1–2), кенг диссеминация ҳолатида: FOLFOX, XELOX, XELIRI, FOLFIRI (3–4 ой). Кейин фторпиримидинлар билан қўллаб-қувватловчи терапия. Агар касаллик прогресс қилса, 2-й линия терапия ECOG ≤ 2 бўлган беморларда тавсия этилади [3, 61]
- Химиярезистент ўсмада қўшимча химиятерапия тавсия этилмайди [3, 61]
- Адьювант ХТ пайтида ёки ундан 12 ой ичида касаллик прогресс қилса: Иринотекан асосидаги схема (FOLFIRI/XELIRI) – 1-й линия сифатида тавсия этилади [3, 61]
- ECOG >2 балл бўлган беморларда: Фторпиримидинлар билан монокимиятерапия ёки симптоматик даволаш тавсия этилади. [3]
- Моноклонал антителалар қўшиш тавсия этилади: Бевацизумаб, цетуксимаб, панитумумаб. Бевацизумаб монотерапияси самарасиз. Прогресс ҳолатида бевацизумаб бошқа схема билан давом эттирилиши мумкин. Анти-EGFR препаратлар (цетуксимаб, панитумумаб) – фақат RAS ва BRAF мутациясиз, чап томон локализацияланган ўсмаларда самарали. Анти-EGFR препаратлар капецитабин, FLOX, IFL, XELOX, XELIRI билан қўлланилмайди. Бевацизумаб ва анти-EGFR препаратларини бирга қўллаш тавсия этилмайди. Цетуксимаб ва панитумумаб монотерапия сифатида 3–4-й линияларда қўлланиши мумкин [3, 62, 63]
- 2-й линия ХТ VEGF рецепторининг 2-тури учун рамуцирумаб тавсия этилади (фақат FOLFIRI билан бирга) [64-67]
- MSI-H мавжуд бўлганда (1-й ва кейинги линиялар) Анти-PD1 антитело – пембролизумаб (монотерапияда) тавсия этилади. [64-67]
- 3-й ва кейинги линияларда: Агар оксалиплатин, иринотекан, фторпиримидинлар, бевацизумаб ва анти-EGFR терапияси самарасиз бўлса Трифлуридин-типирацил (монотерапия ёки бевацизумаб билан), Регорафениб [64-67], Трифлуридин-типирацил ва регорафенибнинг қўлланиш тартиби

аниқланмаган. Клиник тажрибага кўра, трифлуридин-типирацил терапияси регорафенибга нисбатан яхшироқ натижа беради [67, 68].

- BRAF мутацияси мавжуд бўлганда: Агар беморнинг ҳолати яхши ва қарши кўрсатмалар бўлмаса: FOLFOXIRI ёки FOLFOX/XELOX + бевацизумаб (1-й линияда). Прогресс ҳолатида – FOLFIRI + рамуцирумаб. Анти-EGFR препаратлар BRAF- ва MEK-ингибиторлари билан қўлланилиши мумкин [64-67]
- BRAF + MSI-H комбинациясида: Пембролизумаб (монотерапия) афзал. [64-67]
- BRAF + MSI-H комбинациясида: Пембролизумаб (монотерапия) афзал. [64-67]

Йўғон ичакнинг метастатик саратонида дори терапиясининг тавсия этилган режимлари [64-67]

Модифицирланган De Gramont режими	Кальций фолинат 400 мг/м ² вена ичига 2 соат давомида юборилади. Шундан сўнг фторурацил 400 мг/м ² вена ичига болюс шаклида юборилади. Кейин 46 соат давомида фторурацил 2400 мг/м ² инфузия қилинади (кунига 1200 мг/м ²). Курс ҳар 2 ҳафтада такрорланади.
Капецитабин	Капецитабин 2000–2500 мг / м ² / сут. ичишга 1–14-кунлар. Курсни ҳар 3 ҳафтада такрорланади
Модифицирланган FOLFOX 6	Оксалиплатин 85 мг/м ² вена ичига 2 соатлик инфузия шаклида 1-кун юборилади. Кальций фолинат 400 мг/м ² вена ичига 2 соат давомида юборилади. Шундан сўнг фторурацил 400 мг/м ² вена ичига струйно болюс шаклида юборилади. Кейин 46 соат давомида фторурацил 2400 мг/м ² инфузия қилинади (кунига 1200 мг/м ²). Курс ҳар 2 ҳафтада такрорланади.
XELOX	Оксалиплатин 135 мг/м ² вена ичига, томчилаб 1-кун юборилади. Капецитабин 2000 мг/м ² /сут. оғиз орқали 1-кундан 14-кунгача қабул қилинади. Курс ҳар 3 ҳафтада такрорланади.
FLOX	Оксалиплатин 85 мг/м ² вена ичига 2 соатлик инфузия шаклида 1-, 15- ва 29-кунларда юборилади. Кальций фолинат 20 мг/м ² вена ичига струйно юборилади. Шундан сўнг фторурацил 500 мг/м ² вена ичига болюс шаклида ҳафтасига 1 марта 6 ҳафта давомида юборилади. Кейин 2 ҳафталик танаффус берилади.

Иринотекан	250–300 мг/м ² вена ичига 1-кун юборилади. Курс ҳар 3 ҳафтада такрорланади. Ёки 180 мг/м ² вена ичига 1-кун юборилади. Курс ҳар 3 ҳафтада такрорланади.
FOLFIRI	Иринотекан 180 мг/м ² вена ичига 90 дақиқалик инфузия шаклида 1-кун юборилади. Кальций фолинат 400 мг/м ² вена ичига 2 соат давомида юборилади. Шундан сўнг фторурацил 400 мг/м ² вена ичига струйно болюс шаклида юборилади. Кейин 46 соат давомида фторурацил 2400 мг/м ² инфузия қилинади (кунига 1200 мг/м ²). Курс ҳар 2 ҳафтада такрорланади.
XELIRI	Иринотекан 180–200 мг/м ² вена ичига 90 дақиқалик инфузия шаклида 1-кун юборилади. Капецитабин 1600–1800 мг/м ² суткада оғиз орқали 1-кундан 14-кунгача қабул қилинади. Курс ҳар 3 ҳафтада такрорланади.
